Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 229 (8219). ● 2 декабрь, 1983 йил ● ЖУМА ● Баҳоси 3 тийин

ОБЛАСТЬ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ:

АЛБАТТА,

60 БЎЛАДИ

● ЧИНОЗ. «Қизил Октябрь» колхозининг Эркин Очилов етакчилик қилаётган ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадаси пахтакорлари бу йил 60 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 60 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олиш мажбуриятини қабул қилишган. Ўқувчи ёшларнинг ҳозиргача уйган хирмонлари 336 тоннага етди. Ҳосилдорлик гектар бошига 56 центнерни ташкил этмоқда. Бригаданинг Клара Райимжонова, Дилмурод Султонбеков, Ҳусния Аҳмедова сингари аъзолари айни кунларда ҳам 30—40 килограммдан подбор териб барчага ибрат кўрсатишмоқда. Зардбор бригада 10 декабргача албатта, 60 центнерлик маррани эгаллашга аҳд қилди.

УЧИНЧИ ДОВОН ҲАМ ЗАБТ ЭТИЛДИ

● ОҚҚЎРҒОН. Бўрибой Алибосв бошчилик қилаётган бригада азаматлари «Ленинобод» колхозида биринчи бўлиб оширилган социалистик мажбуриятларини ҳам шараф билан бажардилар. 110 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 32,5 центнер ўрнига 48 центнердан қимматли хом ашё йиғиштириб олинди. Бу ҳосилнинг 85 проценти биринчи сортга сотилди. Коллектив аъзолари ҳар гектар ердан яна 2 центнердан пахта йиғиштириб олиб, ҳосилдорликни 50 центнерга етказиш учун курашни давом эттиришяпти.

14,4 ТОННА ОРТИҚ

● ЎРТА ЧИРЧИҚ. «Партия XXII съезди» колхозининг ташаббускор Содиқ Йўлдошев бошчилик қилаётган бригадаси заршунослари ўз аҳдларининг устидан чиқдилар. 72 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 47 центнердан, жами 338,4 тонна «оқ олтин» йиғиштириб олинди. Бу мажбуриятдагидан ҳам 14,4 тонна ортиқдир. Етиштирилган ҳосилни тез ва соз йиғиштириб олишда коллектив механизаторлари фидокорлик кўрсатдилар. Жуман Мирзаев, Алихон Усмоновларнинг уйган хирмони 10 тоннага етди. Бригадада пахта йиғим-терими билан биргаликда келгуси ҳосилга мустаҳкам замин ҳозирлашга киришилди.

ОҚ ОЛТИН — ВАТАНГА

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАНЕРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 1 ДЕКАБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — район лар, иккинчи устун — бир кунда танёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан буён, тўртинчи устун — шу жумладан машинада мавсум бошидан буён (планга нисбатан процент ҳисобида).

БЎКА	0,01	110,80	106,52
КОММУНИСТИК	0,03	109,35	110,19
БЕКОБОД	0,02	105,64	75,55
ОҚҚЎРҒОН	0,02	105,49	109,13
ЧИНОЗ	0,03	103,58	79,58
ПИСКЕНТ	0,02	103,39	70,06
ЎРТА ЧИРЧИҚ	0,01	102,91	85,65
ЯНГИЙЎЛ	0,07	100,77	85,39
Ғалаба	0,03	93,45	69,40
Область бўйича	0,03	103,88	87,75

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БЮРОСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюроси навбатдаги мажлисида пахта териш ва тайёрлашнинг боришини муҳокама этди ҳамда республика агросаноат комплекси ходимларининг, барча меҳнаткашларнинг куч-ғайратларини «оқ олтин» йиғим-терими мавсумини тезроқ тугаллашга ва олти миллион тонна пахта тайёрлаш юзасидан республика қабул қилган юксак мажбуриятни бажаришга сафарбар этиш борасида қўшимча тадбирлар белгилади. Жиззах, Сирдарё, Андижон, Наманган, Фарғона областларида пахта терими, шу областлардаги тегишли совет ва хўжалик органларининг ишлари яхши эмаслиги қайд этиб ўтилди. Мазкур совет ва хўжалик органлари ҳосил йиғим-теримида юксак суръатларни таъминламаяптилар. Бюро партия, совет, хўжалик органларининг эътиборини пахта теримида хусусан шаҳарликларнинг меҳнатини ташкил этишни кескин яхшилаш, самарали меҳнат ва турмуш учун барча шароитларни вужудга келтириш, терим мавсуми қатнашчиларига савдо-сотиқ, медицина, маданий хизмат кўрсатишни юксалтириш зарурлигига қаратди. Пахта тайёрлаш планининг бажарилиши учун экономика агросаноат секторининг ҳар бир коммунист раҳбари шахсан жавобгар бўлиши таъкидлаб ўтилди. Бугунги кунда пахта фронти — Ўзбекистон учун ғоят муҳим фронт бўлиб, партия комитетлари, халқ депутатлари Советларининг ижроия комитетлари, район агросаноат бирлашмалари, хўжаликларнинг раҳбарлари ҳосил йиғим-теримида куч-ғайратларини икки карра, уч карра оширишлари зарур.

Фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этиш асосида қурилишда меҳнат унумдорлигини ўстиришнинг белгиланган суръатларини таъминлаш борасидаги қўшимча тадбирлар муҳокама қилинди. Республика Қурилиш, Қишлоқ қурилиши, Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрликларининг, Госкомводстрой, Главташкентстройнинг бўлинмаларида меҳнат унумдорлиги қониқарсиз ўсаётганлиги қайд этиб ўтилди. Бюро республика партия ва совет органларидан, қурилиш министрликлари ва идораларининг раҳбарларидан қурилиш ишларини ва меҳнатни ташкил этишни тез ва сабот билан такомиллаштириш, фан ва техника ютуқларини актив жорий этиш ҳисобига меҳнат унумдорлигини ўстиришнинг белгиланган суръатларини таъминлаш талаб қилди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг пахтачиликни ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини тобора интенсивлаш асосида республика қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлигини юксалтиришга доир таклифлари кўриб чиқилиб, маъқулланди. Республика колхоз ва совхозларида алмашлаб экишни тезроқ жорий этиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ҳамма жойда меҳнатни хўжалик ҳисоби асосида ташкил қилиш ва техникадан фойдаланишнинг илғор формаларини жорий этиш муҳимлигига партия комитетларининг, халқ депутатлари Советлари ижроия комитетларининг, қишлоқ хўжалик органларининг эътибори жалб қилинди.

Ўзбекистон ССР сув хўжалиги қурилиши Давлат комитетининг ишлаб чиқариш базасини янада ривожлантириш тадбирлари муҳокама этилди.

Партия ва хўжалик қурилишининг бошқа баъзи масалалари ҳам кўриб чиқилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:

Ўнинчи чақириқ Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Советининг тўққизинчи сессияси 1983 йил 28 декабрда Москва шаҳрида чақирилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ю. АНДРОПОВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль.
1983 йил, 1 декабрь.

ГРАММЛАР ҚИММАТИ

● ПИСКЕНТ районидаги «КПСС XXVI съезди» совхозининг Шерқул Назаров бошлиқ 2-бўлим пахтакорлари шу кунгача мавжуд 467 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил йиғиштириб олишди. Деҳқонлар ҳосил йиғим-теримини давом эттиришяпти. Улар «оқ олтин»нинг сўнгги мисқолларигача териб олишга аҳд қилишган. Суратда: бўлим бошқарувчиси Ш. Назаров (чапда), совхоз ишчилари Қ. Султонов, И. Исматов ва А. Бердиевлар.

А. Тўраев фотоси.



ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ, ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ, ОБЛАСТЬ КАСАБА СОЮЗЛАРИ СОВЕТИ ВА ОБЛАСТЬ КОМСОМОЛ КОМИТЕТИДА

1984 ЙИЛ ҲОСИЛИГА ПУХТА ЗАМИН ЯРАТАЙЛИК

ТОШКЕНТ область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитети 1984 йил ҳосили учун кузги-қишки тадбирлар комплексини ўз вақтида сифатли амалга ошириш мақсадида районлар, «Госкомсельхозтехника» район бирлашмалари, область сув хўжалиги бошқармалари, «Ташкентводстрой» ва «Паркентводстрой» трестлари, «Ташоблмелиноводстрой» бошқармаси ва Чиноз машина-экскаватор станцияси ўртасида 1984 йил ҳосили учун кузги-қишки ишларни ўз вақтида сифатли бажариш юзасидан социалистик мусобақа уюштиришга қарор қилдилар. Социалистик мусобақа шартлари тасдиқланди.

Районлар, «Госкомсельхозтехника» район бирлашмалари, область сув хўжалиги бошқармасининг механизациялашган кўчма колонналари, «Ташкентводстрой» ва «Паркентводстрой» трестлари, «Ташмелиноводстрой» қурилиш бошқармаси ва Чиноз машина-экскаватор станцияси ўртасидаги социалистик мусобақа ғолибларини мукофотлаш учун область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг учта кўчма Қизил байроғи таъсис этилди.

Область қишлоқ хўжалик ва сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармалари, мева-сабзавот маҳсулотлари агросаноат бирлашмаси, «Ташкентводстрой» ва «Паркентводстрой» трестлари, «Ташоблмелиноводстрой» қурилиш бошқармаси ҳамда «Ташоблсельхозтехника» бирлашмасига қишлоқ хўжалик ходимларн касаба союзи область комитети билан биргаликда ўз системаларидаги ишлаб чиқариш бўлинмалари ўртасида қишлоқ хўжалик техникасини ўз вақтида сифатли ремонтдан чиқариб, кўкламги дала ишларига тайёрлаб қўйиш, янги ерларни ўзлаштириш ва қишлоқ хўжалик оборотига киритиш, ерларни капитал текислаш, эскитдан ҳайдалиб келинаётган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, суғориш ва коллектор-дренаж тармоқларини тозалаш, гидротехник иншоотлар ва насос станцияларини ремонтдан чиқариб, янги мавсумга тахт қилиб қўйиш юзасидан социалистик мусобақани ташкил этиш вазифаси топширилди.

Район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитетлари, район комсомол комитетлари, область ва район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармалари ҳамда мева-сабзавот маҳсулотлари агросаноат бирлашмасига 1984 йил ҳосили учун кузги-қишки ишларни ўз вақтида сифатли бажариш юзасидан колхозлар, совхозлар ва бошқа давлат хўжаликлари ўртасида социалистик мусобақа уюштириш таклиф қилинди.

Район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзлари область ва район комитетлари, «Ташоблсельхозтехника» бирлашмаси ҳамда область сув хўжалиги бошқармаси зиммасига 1984 йил ҳосили учун кузги-қишки ишларни ўз вақтида сифатли бажариш юзасидан социалистик мусобақада эришилган ютуқлари учун илғор коллективларни моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг конкрет чораларини белгилаш, мусобақага мунтазам якун ясаб бориш ва унинг ошкоралигини таъминлаш вазифаси юклатилди.

Область ва район газеталари редакцияларига, область радиоэшиттириш ва телевидение бош редакцияларига область хўжаликларида 1984 йил ҳосили учун кузги-қишки ишларнинг қандай бажарилаётганлигини мунтазам ёритиб бориш топширилди.

1984 ЙИЛ ҲОСИЛИ УЧУН КУЗГИ-ҚИШКИ ИШЛАРНИ ЎЗ ВАҚТИДА СИФАТЛИ БАЖАРИШ ЮЗАСИДАН ЎТКАЗИЛАДИГАН ОБЛАСТЬ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИ

ШАРТЛАРИ

ТОШКЕНТ область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг ҳар бир ҳосилдор пахтакорлар, қишлоқ хўжалик техникасини, уруғликларни, минерал ўғитларни, гербицидларни, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг биологик ва химиявий воситаларини 1984 йил ҳосили учун ўз вақтида сифатли тайёрлаб қўйиш мақсадида область социалистик мусобақасининг қуйидаги шартларини эълон қиладилар.

МУСОБАҚА ҚАТНАШЧИЛАРИ

СОЦИАЛИСТИК мусобақада районлар, колхозлар, совхозлар, «Госкомсельхозтехника» район бирлашмалари, район сув хўжалиги бошқармалари, «Ташкентводстрой» ва «Паркентводстрой» трестлари, «Ташоблмелиноводстрой» қурилиш бошқармаси, Чиноз машина-экскаватор станцияси ва уларнинг ишлаб чиқариш бўлинмалари иштирок этадилар.

МУСОБАҚАГА ЯКУН ЯСАШ ВА ҒОЛИБЛАРНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ

1984 ЙИЛ ҳосили учун кузги-қишки ишларнинг бажарилишига 1983 йил 21 ноябрдан бошлаб 1984 йил 1 апрелгача ҳар ўн кунда якун ясаб борилади.

Социалистик мусобақа ғолиби бўлган районга ўн кунлик якунга кўра область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан бирга илғор механизаторларга сотиш учун биттадан енгил автомашина ажратилади.

Кўчма Қизил байроқларни беришда бажарилган иш ҳажмининг амалда кескин ошганлиги, 1984 йил ҳосили учун кузги-қишки тадбирларнинг қуйидаги муддатларда ўз вақтида ва сифатли амалга оширилганлиги ҳисобга олинади:

кузги бошоқли дон экинларини экиш — 1983 йил ноябрдаги иш якуни бўйича баҳорикор экинларни экиш — 1984 йил 10 мартгача;

кўп йиллик бегона ўтлар илдизини тозалаш — 1984 йил 15 мартгача;

органик ўғит тайёрлаш топшириғини 1984 йил 1 январгача 70 процент, 1984 йил 1 мартгача 100 процент бажариш;

кузги сабзавот турларини экиш — 1983 йил 1 декабргача бўлган иш якунига кўра эртаки сабзавот турларини полиэтилен плёнкаси остига экиш — 1984 йил 10 мартгача;

эски боғ ва токзорларни ремонт қилиш, янгиларини якунга кўра область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан бирга илғор механизаторларга сотиш учун биттадан енгил автомашина ажратилади.

Кўчма Қизил байроқларни беришда бажарилган иш ҳажмининг амалда кескин ошганлиги, 1984 йил ҳосили учун кузги-қишки тадбирларнинг қуйидаги муддатларда ўз вақтида ва сифатли амалга оширилганлиги ҳисобга олинади:

кузги бошоқли дон экинларини экиш — 1983 йил ноябрдаги иш якуни бўйича баҳорикор экинларни экиш — 1984 йил 10 мартгача;

кўп йиллик бегона ўтлар илдизини тозалаш — 1984 йил 15 мартгача;

органик ўғит тайёрлаш топшириғини 1984 йил 1 январгача 70 процент, 1984 йил 1 мартгача 100 процент бажариш;

кузги сабзавот турларини экиш — 1983 йил 1 декабргача бўлган иш якунига кўра эртаки сабзавот турларини полиэтилен плёнкаси остига экиш — 1984 йил 10 мартгача;

эски боғ ва токзорларни ремонт қилиш, янгиларини барпо этиш, тут кўчати ўтқазиш — 1984 йил 1 январгача 50 процент ва 1984 йил 20 мартдан кечикмай тўла тугаллаш;

1984 йил 1 январгача 50 процент ерни капитал текислаш, 1984 йил 1 мартгача тўла тугаллаш;

1984 йил 1 январгача 1984 йил ҳосили учун 40 процент янги ер ўзлаштириш, 1984 йил 1 апрелгача 80 процент ўзлаштириш, 1984 йил 1 июнгача тўла тугаллаш;

суғориш ва коллектор-дренаж тармоқларини тозалаш, каналларга бетон ётқизиш топшириғини 1984 йил 1 январгача 40 процент, 1984 йил 1 мартгача 80 процент, 1984 йил 1 апрелгача эса тўла бажариш;

қишлоқ хўжалик техникасини ремонт қилиш ва 1984 йил кўкламги дала ишларига тайёрлаш топшириғини қуйидаги муддатларда бажариш:

дон сеялкаларини — 1 февралгача;

ҳайдов тракторлари, тупроққа ишлов берадиган ва текислайдиган машиналар, маккажўхори, чигит ва бошқа экинларни экадиган сеялкаларни — 1 мартгача;

культиваторларни — 30 мартгача.

ВАҚТДАН ЎЗАЁТГАНЛАР

ОҲАНГАРОН. 21-автобаза илғор транспорт ташкилотларидан бири ҳисобланади. Бу ерда ўтган даврда 1 миллион 700 минг тонна ўрнига 1 миллион 724 минг тонна халқ хўжалик юклари манзилга етказиб берилди.

Илғор ҳайдовчилардан Б. Редкозубов, И. Докунин, М. Шоймардонов, Ю. Гарифуллинлар беш йиллик планларини 2,5 йилда бажариб, ҳозир ўн иккинчи беш йиллик ҳисобига ишлашмоқда. 59 ҳайдовчи эса йиллик планини шу йил 1 октябргача уддалади.

О. ХУШНАЗАРОВ.

ОБЛАСТЬ ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИДА ЙИҒИЛИШ

Область халқ контроли комитетида область шаҳар ва районлари, шунингдек, Тошкент шаҳри халқ контроли комитетлари раислари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР Министрлар Советининг раиси Н. А. Тихоновнинг шу йил 15 ноябрда СССР халқ контроли комитети ва иттифоқдош республикалар халқ контроли комитетларининг раҳбарлари билан бўлган йиғилишида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида Ўзбекистон ССР халқ контроли комитетининг раиси Н. М. Маҳмудов ахборот берди. Нотиқ эътиборни моддий ва хом ашё ресурсларидан, хусусан, ёнилғи-энергетика манбаларидан тежабтергаб фойдаланиш юзасидан олинган топшириқларнинг бажарилишига, фойдаланишга топширилиши лозим бўлган объектларни ўз вақтида ишга тушириш, халқ истеъмоли молларини кўпайтириш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ишларига қаратди.

Йиғилишда область халқ контроли комитетининг раиси Б. С. Камолов халқ контроли органларининг шу йилнинг ўтган вақти мобайнидаги фаолиятига якун ясади.

ЕР ЮЗИДА ТИНЧЛИК БЎЛСИН

Ғарбий Европада ўрта оралиққа учириладиган Америка ракеталари жойлаштирила бошлаши муносабати билан КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Ю. В. Андропов Баёнотини қўллаб-қувватлаш юзасидан Ўзбекистоннинг шаҳар ва қишлоқларида митинглар давом этмоқда. Меҳнат коллективлари совет раҳбарлари қабул қилган ва мамлакатнинг хавфсизлигини мустаҳкамлашга қаратилган чораларни маъқулламоқдалар.

— Рейган маъмурияти социализм мамлакатларига қарши ядро урушига тайёргарликни жадаллаштирмоқда, —деди «Главташкентстрой»нинг 159-трестида бўлиб ўтган митингда гишт терувчилар бригадири А. Йўлдошев. — Вужудга келган хатарли вазиятда қўл қовуштириб туриш катта хато бўлур эди. Коллективимиз америкалик агрессорларнинг жиноий ҳаракатларига жавобан кўрилаётган чораларни бутунлай ва тўла-тўкис қўллаб-қувватлайди. Ишлаб чиқаришда мустаҳкам интизом, юксак меҳнат унумдорлиги ҳозир ҳар қачонгидан ҳам зарурлигини тушунамиз. Ватанимизнинг мустаҳкамланиб бораётган куч-қудрати совет кишиларининг хавфсизлигини пухта таъминлаши учун ҳамма ишларни қиламиз.

Митингда сўзга чиққан дурадгорлар бригадири Ҳ. Саидалиев, гишт терувчи А. Седезнева, инженер И. Эргашев ва бошқалар уруш оловини ёқувчиларнинг жиноий ниятларини ғазаб билан қораладилар. Социалистик Ватаннинг иқтисодий ва мудофаа қудратини оширишга салмоқли ҳисса қўшиш ниятида эканликларини айтдилар.

Митингларда қабул қилинган резолюцияларда ўртоқ Ю. В. Андроповнинг Баёноти якдиллик билан қўллаб-қувватланаётганлиги, Ўзбекистон меҳнаткашлари тинчликни сақлаб қолиш учун маҳкам бел боғлаганликлари изҳор этилган.

Митинг қатнашчилари ҳар бир иш ўрнидаги фидокорона меҳнат, план ва зиммага олинган социалистик мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилиши Советлар мамлакатининг иқтисодий ва мудофаа қудратини оширишга қўшилган конкрет ҳисса бўлади, демоқдалар.

(ЎзТАГ).

ЎТ БИЛАН ЎЙНАШМАНГ

ГИТЛЕРЧИЛАР Германиясининг инсоният бошига солган азоб-уқубатлари ҳали ёдимиздан кўтарилганича йўқ. Мен уларни ўз кўзим билан кўрганман. Урушнинг дастлабки кунлариданоқ Ватан ҳимоясига отланиб, Сталинград учун бўлган жангларда қаттиқ яраландим.

Биз урушда бекорга қон тўкмадик. Совет халқи кўрсатган жасорат туфайли бутун Европа фашизм асоратидан халос бўлди, мамлакатлар узра тинчлик қуёши порлади.

Қарийб 40 йилдирки, тинч шароитда яшаб меҳнат қилмоқдамиз. Бу партия ва ҳукуматимиз олиб бораётган тўғри ички ва ташқи сиёсат самарасидир. Лекин эндиликда АҚШ ва НАТОга аъзо бўлган давлатлар ўткаэётган зўравонлик сиёсати тинчликка хавф солмоқда. Улар қуролланишга зўр бериб, тинч ҳаётимизни бузишга, ракеталар билан бизга таҳдид солишга уринмоқдалар.

Ўт билан ўйнашиш яхшиликка олиб бормайди, Ўртоқ Ю. В. Андроповнинг Баёнотида бу алоҳида уқтирилди. Биз партия ва ҳукуматимизнинг тинчликни мустаҳкамлаш йўлида олиб бораётган курашини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз. Ҳалол меҳнатимиз билан тинчликни мустаҳкамлаш учун курашаверамиз.

Н. ЭШОНОВ,
Тошкент районидаги «Тошкент» совхози слесарлар бригадаси бошлиғи.

ФИКРИМИЗ ҚАТЪИЙ

УРУШ нималигини яхши биламан. Беҳисоб қурбонлар, дарё-дарё қонлар, вайрона шаҳарлару қишлоқлар, кексаларнинг ноласи, фарзандларнинг кўз ёши... Уруш инсоният бошига ёпирилган балодир. Аммо уруш нималигини АҚШ ва НАТОга аъзо бўлган давлатлар ўтказаётган зўравонлик сиёсати тинчликка хавф солмоқда. Улар қуролланишга зўр бериб, тинч ҳаётимизни бузишга, ракеталар билан бизга таҳдид солишга уринмоқдалар.

Ўт билан ўйнашиш яхшиликка олиб бормайди. Ўртоқ Ю. В. Андроповнинг Баёнотида бу алоҳида уқтирилди. Биз партия ва ҳукуматимизнинг тинчликни мустаҳкамлаш йўлида олиб бораётган курашини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз. Ҳалол меҳнатимиз билан тинчликни мустаҳкамлаш учун курашаверамиз.

Н. ЭШОНОВ,
Тошкент районидаги «Тошкент» совхози слесарлар бригадаси бошлиғи.

ФИКРИМИЗ ҚАТЪИЙ

УРУШ нималигини яхши биламан. Беҳисоб қурбонлар, дарё-дарё қонлар, вайрона шаҳарлару қишлоқлар, кексаларнинг ноласи, фарзандларнинг кўз ёши... Уруш инсоният бошига ёпирилган балодир. Аммо уруш нималигини АҚШ маъмурлари билишмайди. Улар ҳали чучварани хом санашяпти. Ақлидроки ишга солиш ўрнига қанотли ракеталарга зўр беришяпти. Қирғин қуроллари тайёрлаш учун маблағларни аяшмаяпти. Улар ўзаларича кудратли ядро қуроллари билан ер юзида тинчликни сақлаб туришмоқчи эмиш... Тушингизни сувга айтинг, калтабин милитаристлар! Сизнинг мунофиқ башарангизни жаҳон халқи кўриб турибди. Аждар халқумли ёвни инигача кувиб, ижмалоқ ёстиқ қилган жангчиларнинг бири сифатида айтяпманки, қитмирликни сиз бошлаяпсиз. Ўт-олов билан ўйнашяпсиз. Лекин шуни билинг. Биз «Майли урақол» деб юзини тутиб берадиганлардан эмасмиз. Шунча тинчликка даъват этдик, таклифлар билан чиқдик, яхшиликка кўнмадингиз. Эндиликда азиз мамлакатимиз мудофааси учун конкрет чоралар кўриш пайти келди. Аниқроги партия ва ҳукуматимиз ана шундай тадбирларни белгилади. Биз эса бу сиёсатни тўла қувватлаймиз. Чунки тиш-тирноғингизгача қуролланаётганингизни кўриб турибмиз, тинчликсевар халқимизга туҳматлар ёғдираётганингизни кўра била туриб, қараб ўтириш мумкин эмас. Мабодо сизнинг ўвадаси чиққан фикрларингиз тинчиқиб, эс-ҳушингизни йиғсангиз, ҳозирги ножўя қадамларингизни Европадан тортсангиз. Баёнотда айтилгани дек бизнинг тинчликни сақлашдек қатъий фикримиз ҳеч қачон ўзгармайди.

С. АКБАРОВ,
Улуғ Ватан уруши ногиронлиги.

РАЙОН ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ

ТАШАББУСКОР ВА ТАДБИРКОР БЎЛАЙЛИК

ЎРТА ЧИРЧИҚ

Ўтган йили райондаги кўпгина хўжаликлар социалистик мажбуриятни шараф билан бажардилар. Лекин Акмал Икромов номли, Куйбишев номли, «Коммунизм» колхозлари мажбуриятни бажара олишмади. Бу масала район партия комитетида муҳокама этилиб, камчиликлар рўй-рост танқид қилинди. Мазкур хўжаликларда коммунистларнинг авангардлик роли ошириш юзасидан тадбирлар белгиланди ва уларнинг амалга оширилиши назорат қилинди.

Область пахтакорлари советининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Рўзиматов бошлиқ мутахассислар кеч кузда учала колхозда бўлиб, келгуси йил ҳосилига қандай замин тайёрланаётганлиги билан танишишди. Маълум бўлишича, бу хўжаликларда ер осма плуглар билан ҳайдалар экан. Демак, далалар 12—20 сантиметр чуқурликда шудгор қилинади. Бунда профилактика ишлари етарли бўлмайди ва кўп йиллик ўтларнинг илдизи қолиб кетади. Бу эса келгуси йил қатор қийинчиликлар туғдиради. Мутахассислар ерни икки ярусли плуглар билан 30—35 сантиметр чуқурликда ҳайдашни маслаҳат беришди ва бу усулнинг афзалликларини тушунтиришди.

Учала хўжалик партия ташкилотида илғор тажрибаларни кенг қўллаш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқилди. Ижросини таъминлашда коммунистлар назорати кучайтирилди. Натижада ўтган йил Куйбишев номли колхозда ҳар гектар ердан 25,2 центнердан «оқ олтин» олинган бўлса, бу йил ҳосилдорлик 30,9 центнерга етди. Акмал Икромов номли хўжаликда ҳосилдорлик бир йилда 2,2, «Коммунизм» колхозида бир центнерга оширилди.

Бу йил 63 та бригада районнинг ўртача кўрсаткичидан кам ҳосил олди. Агар ана шу коллективлар районнинг ўртача ҳосилдорлиги даражасига етганда 1983 йилда хирмонга қўшимча 5 минг тонна «оқ олтин» тўкиларди. Район партия конференциясида бу рақам алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Маълумки кейинги йилларда сув танқислиги тез-тез сезилиб турипти. Бу нарсани яхши ҳис қилган ўрта чирчиқликлар сув танқислигига чек қўйиш мақсадида ўтган йили 58 та майда кўчма насос ускуналарини қурдилар, бир неча электр насос станцияси ишга туширилди. Ўттиз километрдан кўпроқ ариқ бетонлаштирилди. Насос ускуналари ва станцияларни билан бекор ётган ариқ ва зовурлардаги сувлар далаларга чиқарилди ва бу билан суғориш даврида қўшимча суратда секундига 11 куб метр сувни олиш имкони туғилди.

— Пахтачиликда янги ГОСТ талабларини жорий этиш муносабати билан сифатга эътибор ниҳоятда кучайтирилди, — деди конференцияда ҳисобот доклади қилган район партия комитетининг биринчи секретари У. В. Муслимов. — Шу боисдан хўжаликларда ҳақ тўлашнинг нарядсиз системасини жорий эта бошладик. Бу йил 73 та бригада ана шу метод асосида ишлади. Ҳаёт бу усулнинг афзаллигини яққол кўрсатди. Юксак самарадорликка эришилди. Сарф-ҳаражат камайди, сифат эса ошди. Беш йилликнинг охиригача 160 дан ортиқ бригада ана шундай янги услубга ўтади.

Ҳисобот даврларида 220 гектар янги ер ўзлаштирилди, 2250 гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди ва 1340 гектар майдон капитал планировкадан чиқарилди. Ана шу каби тадбирларни амалга ошириш туфайли кўрсаткичлар ўсмоқда. Бу йил Ватан ўртачирчиқликлардан 43 минг 600 тонна пахта олди. Бу муваффақиятларга Охунбобоев номли, Акмал Икромов номли, «Ленин йўли» колхозларининг коллективлари катта ҳисса қўшдилар.

Район саноатчилари ҳам ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли адо этиш учун курашмоқдалар. Ҳисобот даврида 3100 тонна қора ва рангли металл, 4,6 минг тонна ёнилғи-мойлаш материаллари, 750 минг кубометр табиий газ, 950 минг киловатт-соат электр энергия ишлаб чиқариш қилиб қолинди. Сўнгги уч йил ичида плондан ташқари 3,4 миллион тонна халқ хўжалик юклари манзилларига етказиб берилди.

Район партия комитети КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми қарорларини амалга ошириб бориб, коммунистик тарбия, пропаганда ва агитация ишларига партиявий раҳбарликни янада яхшилаш учун курашмоқда. Районда сиёсий маорифи системаси ва иқтисодий таълимнинг кенг шохобчаси ташкил этилган. Ҳозир 17 мингдан ортиқ киши ўз билимини оширмоқда. Шунингдек, районда партия-хўжалик ва идеология активининг еттита мактаби фаолият кўрсатмоқда. Кейинги йилларда районда оммавий-сиёсий ишларнинг даражаси кескин кўтарилди. Ягона сиёсий кунлар ўтказиш анъанага айланиб қолди. Ҳозир 1300 агитатор, сиёсий ахборотчи ва лектор партиянинг сўзини оммага етказмоқда.

Район партия комитети лекция пропагандаси ишларини уюшқоқлик билан ташкил этишга муваффақ бўлмоқда. Ҳар йили корхона, хўжалик, ташкилот ва муассасаларда 7 мингга яқин лекциялар ўқилмоқда.

«Билим» жамияти район ташкилоти ўз фаолиятини йилдан-йилга активлаштириб бормоқда. Район бўлими республика конкурсида иштирок этиб, биринчи ўринни олишга муваффақ бўлди.

Доклад юзасидан музокарада сўзга чиққан «Северний маяк» колхозининг бригада бошлиғи Р. Тигай хўжаликда олиб борилаётган оммавий-сиёсий ишларни тилга олиш билан бирга ишлаб чиқариш масалаларига ҳам тўхталиб ўтди.

— Бригадамиз коллективи, — деди у, — ҳар гектар ердан 90 центнердан шоли ҳосили олмоқда. Лекин ҳосилдорликни бундан ҳам ошириш мумкин. Бунинг учун шоличиликда инженерлик системасини ташкил этиш керак.

— Ўн биринчи беш йилликнинг уч йилида коллективимиз пландаги 9180 ўрнига 10 минг 800 тонна пахта етиштирди, — деди Энгельс номли колхоз раиси Б. Қосимов, — бу эса кўзда тутилгандан 18,5 процентга кўпдир. Дон ишлаб чиқариш ҳам 110 процентдан ошириб адо этилди. Чорвачиликда қорамолларнинг сони белгиланганидан саккиз процентга кўпайди. Лекин биз бу муваффақиятлар билан чегараланмоқчи эмасмиз. Ички резервлар бундан ҳам юқорироқ кўрсаткичларга эришиш мумкинлигини кўрсатмоқда.

В. Терешкова номли колхоз раиси У. Ҳасанова, «Ташоблмелиоводстрой» қурилиш бошқармаси бошлиғи А. Филиппов, 74-автокорхона директори М. Улпанов ва бошқа ўртоқлар эришилган илғор тажрибаларни умумлаштириб бориш лозимлигини таъкидладилар, юз бераётган камчиликларни рўй-рост танқид қилдилар, уларни бартараф этиш юзасидан фикр ва мулоҳазаларни билдирдилар.

Конференцияда Тошкент область партия комитетининг иккинчи секретари В. А. Антонов нутқ сўзлади.

Конференция ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг инспектори Б. В. Ефремов иштирок этди.

Конференцияда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди, район партия комитети, район партия ташкилоти ревизия комиссиясининг янги составлари ва Тошкент область партия конференциясига делегатлар сайланди.

* * *

Ўрта Чирчиқ район партия комитетининг ташкилий пленуми бўлиб ўтди. Пленумда **У. В. Муслимов**—район партия комитетининг биринчи секретари, **Л. Н. Лигай**—район партия комитетининг иккинчи секретари, **Т. Бекматова**—район партия комитетининг секретари қилиб сайландилар.

Б. ПЎЛАТОВ.

ТАРБИЯВИЙ ИШГА ҲАММА ДАҲЛДОР

ЧИНОЗ

КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми қарорларини оғишмай ҳаётга тадбиқ этаётган Чиноз райони идеология ходимлари омма орасида катта ғоявий-сиёсий ва ташкилий-тарбиявий ишларни олиб бормоқдалар. Меҳнаткашларни маънавий жиҳатдан камол топтириш, уларни коммунистик руҳда тарбиялаш район партия комитетининг диққат марказида турибди. Меҳнат коллективларида идеология ишларининг форма ва методлари янада такомиллаштирилмоқда.

Бугунги кунда партия маорифи ва иқтисодий таълим системасида ўн мингга яқин киши ўз билимини оширмоқда. Уларнинг 2107 нафари коммунистлардир. Районда 7 та ёш коммунистлар мактаби, 35 та марксизм-ленинизм асослари, 10 та илмий коммунизм, 4 та партия хўжалик активи мактаблари ишлаб турибди.

Пропагандистлар партия сўзини кенг оммага содда ва тушунарли қилиб етказмоқдалар. Пропагандистларнинг сифат состави янада яхшиланди. Ҳозир районда олий маълумотли пропагандистлар сони 1980 йилдагига нисбатан 80 нафарга кўпайди ва 279 кишига етди.

Олимлар, партия, совет ва хўжалик раҳбарлари билан учрашувлар, савол-жавоб кечалари, давра суҳбатлар ўтказиш, очиқ дарслар уюштириш яхши анъанага айланиб қолган.

Ҳисобот даврида район саноат корхоналари 125 минг сўмлик саноат маҳсулотларини реализация қилдилар. Маҳсулот реализация қилиш суръати 115 процентга ўсди. Қўшимча 8 та цех ишга туширилди. Бу ялпи маҳсулотни 6 миллион сўмга кўпайтириш имконини берди. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги усули саноат корхоналарида кенг жорий қилинди. Айни кунларда 20 дан ортиқ бригада ва участка ана шу усулда ишлаяпти. 120 ишчи ва инженер-техник ходим коммунистик меҳнат зарбдори, 6 цех ва 8 та бригада коммунистик меҳнат коллективи деган шарафли номга сазовор бўлди.

Чиноз район XXV партия конференциясида ҳисобот доклади қилган район партия комитетининг биринчи секретари К. Б. Мамедов саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатининг ортиб бораётганлиги мамнуният билан қайд этди. Шу билан бирга у делегатлар эътиборини йўл қўйилаётган камчиликларга ҳам қаратди.

Айрим корхоналарда план мунтазам бажарилмаяпти, қўл кучи билан бажариладиган жараёнлар ҳали кўп. Ўтган уч йил давомида меҳнат интизомининг бузилиши натижасида саноат корхоналарида 1700 ишчи куни йўқотилди.

Меҳнат интизомининг бузилиши район қурилиш ташкилотларида кўпроқ учраб турибди. Ҳисобот даврида райондаги учта асосий қурилиш ташкилотида минг ишчи куни йўқотилди. Кадрлар қўнимсизлиги умумий ишлаётганларга нисбатан 60—80 процентни ташкил этмоқда. Қурилиш ишини ташкил қилиш ҳали талаблар даражасига тўла жавоб бермайди.

Лекин шунга қарамасдан қурувчиларнинг самарали меҳнат қилганлари таъкидланмоқда. Ўртача сут миқдорини 3656 килограммга етказиш қатъий вазифа қилиб қўйилди.

Ҳисобот даврида район партия комитетининг бюро йиғилишларида ҳамда йиғилишларида ташкилий-партиявий ишларни такомиллаштиришга оид қатор масалалар муҳокама қилинди. Ҳозир районда 99 та бошланғич, 107 та цех партия ташкилотлари ва 54 та партия группалари ишлаб турибди. Улар сафларига 2454 коммунист бирлашган.

Партияга қабул қилинаётганларнинг сифат состави яхшиланди. Ҳисобот даврида КПСС сафига қабул қилинган 332 кишининг 72 проценти ишчи ва колхозчилар, 30,9 проценти аёллар бўлди. Уларнинг 72,2 проценти ВЛКСМ сафидан қабул қилинди.

Доклад юзасидан музокаралар бўлиб ўтди. Музокараларда сўзга чиққан «Олмазор» совхози партия ташкилотининг секретари С. Бекенов, «Қизил Октябрь» колхози бригада бошлиғи Э. Очилов, 6-ўрта мактаб ўқитувчиси А. Циплакова, «Чиноз» совхоз техникумининг директори Н. Гусаков, Навоий номли колхоз раиси Ҳ. Акромов, Жамбул номли совхоз бош чўпони Ж. Мусинов ва бошқалар тарбиявий ҳамда хўжалик ишларининг бирлигини таъминлаш зарурлигини уқтирдилар.

Нотиқлар ўртоқ Ю. В. Андроповнинг Баёнотини қўллаб-қувватладилар, барчани тинчлик ишини мустаҳкамлашга даъват этдилар.

Конференцияда область партия комитетининг секретари М. Қ. Қодиров нутқ сўзлади.

Конференция ишида Ўзбекистон ССР социал-таъминот министри С. У. Султонова иштирок этди.

Конференцияда муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди, район партия комитети, район партия ташкилоти ревизия комиссиясининг янги составлари ва Тошкент область партия конференциясига делегатлар сайланди.

* * *

Чиноз район партия комитетининг ташкилий пленуми бўлиб ўтди. Пленумда **К. Б. Мамедов**—район партия комитетининг биринчи секретари, **В. Г. Размаев**—район партия комитетининг иккинчи секретари, **Б. У. Ғуломова**—район партия комитетининг секретари қилиб сайландилар.

Р. ШЕРАЛИЕВ.

СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА— ЮТУҚЛАР ГАРОВИ

ЯНГИЙЎЛ

Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Коммунизм» колхози аъзолари пахта тайёрлаш планини районда биринчи бўлиб бажардилар. Хўжаликда чорвачилик ҳам жадал суръатлар билан ривожланиб боряпти. Бунда колхоз партия ташкилотининг ишлаб чиқаришга раҳбарлик қилиши муттасил такомиллашиб бораётганлиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлмоқда. Партия ташкилоти ҳисобидаги 205 коммунист меҳнатда шахсий намуна, ташаббускорлик кўрсатмоқда. Колхоз коммунистларининг ибратли ишлари Янгийўл район партия комитетининг ноябрь (1982 йил) ва июнь (1983 йил) Пленумлари талаблари асосида партия ташкилотлари жанговарлигини оширишда район партия комитети муайян иш олиб бормоқда. Район партия комитети ва бошланғич партия ташкилотлари қошида методик советлар, штатсиз бўлимлар, ташкилий-партиявий ишлар кабинетлари фаолият кўрсатмоқда. 136 нафар партия активи жамоатчилик асосида бу совет ва бўлимларда бошланғич ташкилотларда тўпланган тажрибани умумлаштириб, кенг оммалаштирмоқда.

Ҳисобот даврида партия ташкилотларининг ишлаб чиқаришга раҳбарлигини яхшилаш мақсадида янгидан 12 та бошланғич ва 8 та цех партия ташкилоти ташкил қилинди. Саноат корхоналари, ташкилот ва муассасаларда, ҳўжаликларда 109 та бошланғич, 117 та цех партия ташкилотлари, 68 та партия группаси меҳнаткашларни ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун курашга сафарбар этмоқдалар.

Ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишлар натижаси белгиланган план ва олинган мажбуриятлар муваффақиятли бажарилаётганлигида ўз аксини топмоқда. Беш йиллик бошидан бери районда саноат ишлаб чиқариш ҳажми 7 процент кенгайди. Бу план топшириғида кўзда тутилганидан 3 процент ортиқдир. Октябрь ойидаёқ район саноати беш йилликнинг уч йили планини бажариб қўйди. Планга қўшимча равишда 3,8 миллион сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

Партия ташкилотлари ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга катта эътибор бермоқдалар. Ҳисобот даврида корхоналарда 12 та поток линия, 100 та серунум машина ва дастгоҳлар ўрнатилди. 300 та рационализаторлик таклифини ишлаб чиқаришга жорий этиш 1,2 миллион сўмлик иқтисодий самара берди.

Капитал қурилишда ҳам маълум ўзгаришлар рўй бермоқда. Ўтган икки йилу ўн ой ичида районда 30 миллион сўмликдан кўпроқ капитал маблағ ўзлаштирилиб, 29 миллион сўмлик асосий фондлар ишга туширилди. 22,3 минг квадрат метр турар-жойлар, мактаблар, мактабгача тарбия болалар муассасалари, маданий-маиший объектлар фойдаланишга топширилди.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга катта эътибор бериляпти. Қишлоқ меҳнаткашлари беш йилликнинг уч йили планига қўшимча равишда давлатга 2800 тонна пахта, 2400 тонна дон, 9 минг тоннадан кўпроқ мевасабзавот маҳсулотлари, 858 тонна сут, 3,2 миллион дона тухум, 87,8 тонна пилла етказиб берилди. Бунинг тўртдан уч қисмидан кўпроғи биринчи ва иккинчи сортларга қабул қилинди. Ленин номли, Калинин номли, «Партия XXI съезди», колхозлари партия ташкилотлари пахтачиликни ривожлантириш масалаларига эътиборни кучайтиряптилар.

Шу билан бир қаторда конференцияда ҳисобот доклади қилган район партия комитетининг биринчи секретари Л. Ш. Аликулова ҳам, музокараларда сўзга чиққан делегатлар — У. Юсупов номли аграр-саноат бирлашмаси партия комитетининг секретари Ш. Абдураҳимов, «Коммунизм» колхозининг раиси М. Исматов, «Ташоблмелиовод с т р о й»га қарашли 2-механизациялашган кўчма колонна бульдозерчиси Т. Муҳиддинов, Калинин номли колхоз бригада бошлиғи П. Шодиев, «Ленинизм» колхозининг сут соғувчиси Р. Муҳамедова, «СССР 60 йиллиги» колхозининг механизатори С. Фаҳриддинов, район марказий касалхонасининг бош врачи М. Исхонбеков ва бошқалар ҳам ишлаб чиқаришга раҳбарлик қилиш, идеологик, оммавий-сиёсий ишларни йўлга қўйишда партия ташкилотлари фаолиятида жиддий камчиликлар учраб турганлигига эътиборни қаратдилар.

Районда капитал қурилишнинг аҳволи қониқарли эмас. Ҳисобот даврида қурилиш ташкилотлари 3 миллион сўмлик капитал маблағни ўзлаштирмадилар. 3,7 миллион сўмлик асосий фондлар ишга туширилмади. Айниқса, «Ташоблсельстрой»нинг 5-механизациялашган кўчма колоннаси, балиқ хўжалигининг 2-механизациялашган кўчма колоннаси, 74-колхозлараро механизациялашган кўчма колонна партия ташкилотлари қурилишга бўш раҳбарлик қилмоқдалар. Шу сабабли бу ташкилотларда белгиланган план топшириқлари бардош қилинмоқда. Партия ташкилотларининг қатъиятсизлиги туфайли илғор иш усуллари суст жорий қилинаяпти. Район қурилиш ташкилотларидаги 87 та бригададан фақат 37 таси пудрат усулида ишлашга ўтказилган.

Бу йил Ҳ. Турсунқулов, «Интернационал», «Ленинизм» колхозларида пахта тайёрлаш планларининг бажарилиши хавф остида турибди. Умуман ҳозиргача райондаги 40 та бригада белгиланган планни уддалай олмади. Фақат шу бригадалар ҳисобига 1900 тонна кам пахта тайёрланди.

Партия ташкилотлари чорвачиликни жадал ривожлантириш бўйича белгиланган тадбирлар сўзсиз бажарилиши устидан бўш назорат қилмоқдалар. Буни «СССР 60 йиллиги» колхозида гўшт, Н. Ниёзов номли, «Интернационал» колхозларида сут, Ленин номли колхоз, бройлер-паррандачилик фабрикасида туҳум етиштириш бўйича шу йилнинг ўн ойлик планлари бажарилмаганлиги ҳам кўрсатиб турибди.

КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленумида идеологик, оммавий-сиёсий ишларни давр талаби асосида ташкил этиш масаласи кескин қилиб қўйилди. Бироқ, барча партия ташкилотлари ҳам ўз ишларини Пленум талаблари асосида қайта қуришга ҳаракат қиляптилар, деб бўлмайди. Районда 360 сиёсий ахборотчи, 430 агитатор, «Билим» жамиятининг 700 лектори ишламоқда. Лекин улар ўтказаётган ташвиқот ва тарғибот ишлари ҳали шу кунниг талабига жавоб берарли даражада эмас.

Бошланғич ташкилотлар партиявий ишга ижобий муносабатда бўлишлари даркор. Аммо «Партия XXI съезди», Ҳ. Турсунқулов номли колхозлар, 74-колхозлараро механизациялашган кўчма колонна, 11-, 29-, 49-мактабларда партия йиғилишларини ўтказишга юзаки ёндошилмоқда. Бу йиғилишларда коммунистлар, коллективни қизиқтираётган муҳим масалалар кам муҳокама қилинади. «Ленинизм», Н. Ниёзов номли колхозлар, «Ташоблсельстрой»нинг 2-механизациялашган кўчма колоннаси, «Ўзбекистон» локомотив депоси партия ташкилотлари танқид ва ўз-ўзини танқидни кучайтиришга етарлича аҳамият бермаяптилар.

Конференцияда ўртоқ Ю. В. Андроповнинг Баёнотида ифода этилган Коммунистик партиямизнинг доно ташқи сиёсати яқдиллик билан маъқулланди. Делегатлар Ватанимиз иқтисодий ва мудофаа қудратини янада мустаҳкамлаш учун янада самаралироқ меҳнат қилиш кераклигини таъкидладилар.

Конференцияда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қишлоқ хўжалиги бўлимининг мудири Т. Г. Зинин нутқ сўзлади.

Конференция ишида область касаба союзлари Советининг раиси А. В. Брайлов иштирок этди.

Конференцияда тегишли қарор қабул қилинди, район партия комитети, район партия ташкилоти ревизия комиссиясининг янги составлари ва Тошкент область партия конференциясига делегатлар сайланди.

* * *

Янгийўл район партия комитетининг ташкилий пленуми бўлиб ўтди. Пленумда **Л. Ш. Аликулова** — район партия комитетининг биринчи секретари, **Э. П. Карпенко**—район партия комитетининг иккинчи секретари, **Р. Тожибоев**—район партия комитетининг секретари қилиб сайландилар.

Э. ЭРНАЗАРОВ.

ХЎЖАЛИККА РАҲБАРЛИК ТАКОМИЛЛАШСИН

ПАРКЕНТ

Паркент райони хўжаликлари мева, узум, сабзавот маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштирилган. Янги Паркент каналининг қурилиши район истиқболини янада очмоқда. Чирчиқ дарёси сувини қир-адирлар бўйлаб 69 километр масофага элтиб келадиган янги канал замирида минглаб гектар қўриқ ерлар ўзлаштирилди ва ўзлаштирилмоқда. Конференцияда ҳисобот доклади қилган район партия комитетининг биринчи секретари А. П. Алимов амалга оширилган ишлар, келгусида қилинажак вазифалар тўғрисида батафсил гапирди.

Ҳисобот даврида давлатга узум, мева, сабзавот, картошка топшириш планлари ортиғи билан бажарилди. Пландаги 129 тонна ўрнига 161,7 тонна пилла етказиб берилди. Район хўжаликларида ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари адо этиш, СССР Озиқ-овқат программасини бажаришга муносиб ҳисса қўшиш учун социалистик мусобақа тобора кенг қулоч ёзмоқда. Меҳнат белгашувида «Ленинобод», «Гулбоғ», «Бўстон» совхозларининг коллективлари олдинги сафда боришяпти. Улар ватанпарварлик ташаббуслари билан чиқиб, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш намуналарини кўрсатмоқдалар.

Шу билан бирга қишлоқ хўжалити ишлаб чиқаришда қатор камчилик ва нуқсонлар ҳам мавжуд. Хусусан ўтган ҳисобот даврида давлатга дон топшириш плани бажарилмади. Уч йилда 3132 тонна дон кам топширилди. Барча хўжаликлар узум ва мева топшириш планини бажаргани ҳолда, биргина «Прогресс» совхози бу соҳа бўйича планни бажармади. Мева топшириш уч йиллик плани 85 процентда қолиб кетди. Бу йил эса узум топшириш планы 91 процентда қолиб кетди.

Бригада пудрати — деҳқончилик маданиятини оширишнинг асосий омили сифатида ўзини кўрсатди. Район хўжаликларида бу соҳада бир мунча ишлар амалга оширилган бўлишига қарамай, айрим раҳбарлар бригада пудратининг туб моҳиятини тўла тушуниб етмаяптилар. Натижада бу илғор усулни жорий этишга кампаниячилик муносабатида бўлишяпти.

Ҳосилдорликни оширишда ер, сув, техникадан омилкорлик билан фойдаланиш зарур. Афсуски, айрим хўжаликларнинг раҳбарлари ана шу воситалардан самарали фойдаланиш ўрнига давлат, халқ мулкини талон-тарож қилишга йўл қўймоқдалар. Худди шундай қилмишлари учун «Навбаҳор», «Бўстон» совхозларининг раҳбарлари партиявий жазо олишди.

Чорвачилик район ишлаб чиқаришининг энг муҳим тармоғи. Ҳисобот даврида қорамоллар бош сони 7,4 процент, паррандалар 36,3 процент ошди. Гўшт, сут, тухум, жун ишлаб чиқариш кўпайди, бузоқ ва қўзи олиш планлари бажарилди. Калинин номли совхоз чорвадорлари юксак кўрсаткичга эришганлиги учун КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Фахрий ёрлиғи билан, наслчиликни яхшилаш бўйича Бутуниттифоқ конкурсида ғолиб чиққанлиги учун «Соҳибкор» совхози чорвадорлари министрликнинг Дипломи билан тақдирландилар.

Бу соҳада ҳам камчиликлар йўқ эмас. Хусусан чорвачилик маҳсулотлари етиштириш бўйича ўсиш суръати плани бажарилмади. «Навбаҳор», «Соҳибкор», «Коммунизм» совхозлари чорвадорлари давлатга гўшт топширишда орқада боришяпти.

Ёрдамчи хўжаликларни ташкил этиш ва кенгайтириш СССР Озиқ-овқат программасини бажариш йўлидаги муҳим бўғинлардан бири эканлиги конференцияда алоҳида таъкидланди. Райондаги 73 далачилик бригадаларида ёрдамчи хўжаликлар мавжуд бўлиб, уларда жами 400 бош қорамол, 3 мингга яқин майда моллар боқиляпти. Лекин «Паркентводстрой» трести, тикувчилик фабрикаси, 8-автоколонна, Энгельс номли совхозда бу ишга панжа орасидан қараляпти.

Районда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва реализация қилиш планлари ортиғи билан бажариляпти. Ўтган даврда планга қўшимча 3 миллион 186 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. 2 миллион 15 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди.

Йил охиригача Тошкент тўқимачилик комбинатининг 460 дастгоҳли филиали ишга туширилади. Беш йиллик охиригача нон, гишт заводлари, ғазалкент консерва заводининг филиали иш бошлайди.

Ҳисобот даврида капитал қурилиш ҳажми бир мунча ортди, «Паркентводстрой» трестининг моддий-техника базаси анча мустаҳкамланди. Қурилишда оперативлик, кадрлар масъулияти ва иш сифати сезиларли даражада ошди. Беш йиллик бошидан бери 78 миллион 782 минг сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди. 34.730 квадрат метр турар-жой, 2624 ўринли мактаблар, 360 ўринли боғча-ясли, касалхона ва бошқа маданий-маиший хизмат корхоналари фойдаланишга топширилди.

Шу билан бирга, ҳисобот даврида пландаги 2 миллион 994 минг сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилмай қолди. Ўтган йилнинг охиригача Паркент каналининг 69 километри қуриб битказилиши керак эди, бу вазифа бажарилмади. «Паркентводстрой» трести ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати планини бажарган бўлса ҳам, асосий фондларни ишга тушириш, уй-жой қуриш, ер ўзлаштириш планларини уддалай олмаяпти. Янги ташкил этилган совхозларда маданий-маиший, ишлаб чиқариш объектларини қуриш ва ишга туширишда жуда кўп камчиликлар бор.

Районда кўп иш қилиниши керак. «Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш комплекси, 200 ўринли касалхона, 300 беморга хизмат қилувчи поликлиника, 400 ўринли ҳунар-техника билим юрти, меҳмонхона, маданий-маиший хизмат уйлари, турар-жойлар қуриб фойдаланишга топширилади. Сувсиз зонадаги 10 минг гектар ерни суғориш учун 80 миллион кубометр ҳажмли сув омбори қурилади. 1984 йилда давлатга 53 минг тоннадан ортиқ мева-сабзавот маҳсулотлари топшириш планлаштирилган. Бу улкан вазифаларни амалга оширишга кўмаклашувчи таклифларни музокарада сўзга чиққан «Ленинобод» совхози директори Т. Ризаев, Чирчиқдаги «Ғунча» тикувчилик фабрикаси филиалининг директори Т. Йўлдошева, «Паркентводстрой» трести бошқарувчиси И. Аҳметов, Калинин номли совхоз сут соғувчиси Ш. Турсунова ва бошқалар ўртага ташлашди.

Конференцияда халқ депутатлари Тошкент область Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари Г. Б. Йўлдошева, Ўзбекистон ССР Маориф министри С. Ш. Шермуҳамедов нутқ сўзладилар.

Конференцияда район партия комитети ва район партия ташкилоти ревизия комиссиясининг янги составлари, Тошкент область партия конференциясига делегатлар сайланди.

* * *

Паркент район партия комитетининг ташкилий пленуми бўлиб ўтди. Пленумда **А. П. Алимов** — район партия комитетининг биринчи секретари, **Н. Н. Бабошина**—район партия комитетининг иккинчи секретари, **А. М. Мақсудов**—район партия комитетининг секретари қилиб сайландилар.

Ҳ. ОЛИМЖОНОВ.

ЁШЛАР—НАМУНА

— КОРХОНАМИЗ меҳнат аҳлининг салкам етмиш фоизини оловқалб ёшлар ташкил этади,— дейди «Водремстроймаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош корхонасининг бошланғич партия ташкилоти секретари Асхат Маҳмудович Мустафин. — Ишлаб чиқаришда юксак самарадорликка эришишда уларнинг жўшқин меҳнати алоҳида диққатга сазовордир.

Яқинда корхонада бўлиб, цехларни айланганимизда парткомнинг бу гапларига тўла ишонч ҳосил қилдик. Металл конструкциялари цехи корхонанинг асосий бўлинмаларидан ҳисобланади. Цехда сув иншоотлари қурилиши учун турли металл конструкциялари, насос станциялари учун қувурлар, ферма комплекслари учун қатор бинокорлик материаллари тайёрланмоқда. Юрий Осмаков ва Владимир Межлоновлар етакчилик қилаётган комсомол-ёшлар бригадалари цех коллективи ютуқларига салмоқли ҳисса қўшишмоқда.

Ёшлар бригадалари ўзаро мусобақадош бўлиб, вақтдан оқилона, хом ашё, электр энергиясидан тежамкорлик билан фойдаланишда бошқаларга намуна бўлишяпти. Изланувчанлик, тадбиркорлик ва талабчанлик — ёшларга хос фазилат. Ботир Комилов, Руслан Дё, Рашид Шаймардонов, Анатолий Золотухин сингари электр пайвандчилар меҳнат унумдорлиги, маҳсулот сифатини ошириш ҳаракатининг олдинги сафларида боришмоқда. Шу сабабли ҳар икки бригада ойига 35—39 минг сўмлик маҳсулот тайёрлаб, планни бажаришда анча дуруст натижаларга эришмоқда.

Корхонанинг автоматика ва телемеханика цехида фидокор ёшлар кўп. Айниқса, Анатолий Литвинов бошчилик қилаётган комплекс бригада аъзолари автоматик бошқариладиган «ШАУ — АВ» шкафлари тайёрлашда ҳам тез, ҳам сифатли ишлашмоқда. Комсомол-ёшлар ҳиммати билан тайёрланаётган бу мосламалар давлат Сифат белгисини олишга муяссар бўлган. Бундай шкафлар қатор қардош республикаларга етказиб берилмоқда. Ҳатто Монголия Халқ Республикасида ҳам корхона мижозлари бор.

Сабзавотни узоқ муддат давомида сифатли сақлашга ёрдам берадиган бундай шкафлардан ҳар ойда 250 та тайёрланмоқда. Касбининг усталари саналган Наримонов шаҳар Совети депутати Ирина Сорокок, Владимир Меленцев, Иван Сафроненко, Владимир Солдатов каби ёш ишчилар ўз вазифаларига сидқидилдан муносабатда бўлиб, топшириқларни доим ортиғи билан бажармоқдалар.

С. ҚУРБОНҚУЛОВ.



● ЯНГИЙЎЛ районидаги «Ленинизм» колхозида истиқомат қилаётган пенсионер отахон ва онахонлар ҳам республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатига жавобан «оқ олтин» йиғим-теримида актив иштирок этмоқдалар. Улар ҳар куни баҳолиқудрат 25—30 килограммдан подбор териб, катта хирмонга ўз ҳиссаларини қўшишяпти. Суратда: ҳиммати баланд отахон ва онахонлардан (ўнгдан) О. Анорбоев, Ю. Қозоқбоев, М. Миртожиев ва А. Семёновалар.

САЛМОҚЛИ РАҚАМЛАР

ОЗИҚ-ОВҚАТ ПРОГРАММАСИ — УМУМХАЛҚ ИШИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Ю. В. Андропов КПСС Марказий Комитети июнь Пленумида сўзлаган нутқида Озиқ-овқат программаси бўйича вазифаларимизни қуйидагича ифодалаб берди: «XXVI съездда биз иқтисодий сиёсат билан социал сиёсатни узвий равишда боғлашни таъминлаш зарурлигини аниқ-равшан қилиб айтдик. Бунинг сабаби тушунарли: чунки одамларнинг турмуш шароитларини яхшилаш бизнинг хўжалик соҳасидаги куч-ғайратларимизнинг пировард мақсадидир...

Аҳолини юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулоти билан узлуксиз таъминлашни йўлга қўйиш, бунда шу соҳада мумкин қадар кўпроқ ўз-ўзини таъминлашга эришиш айниқса зарурдир. Бизнинг Озиқ-овқат программамиз шу проблемани ҳал этишга қаратилган».

Калинин районидаги «Москва» совхозида бўлган киши бу хўжаликнинг ишчи ва хизматчилари ҳам партия ва ҳукуматимизнинг даъватига фидокорона меҳнат билан жавоб бераётганларига гувоҳ бўлади. Совхоз бу йил маҳсулот етиштириш планини ҳамма турлар бўйича бултургидан 45 кун олдин, яъни 29 августда бажарган эди. Мажбурият эса 19 сентябрда тўла ado этилди. Бу ерда картошка ва сабзавотнинг айрим турларидан пландагига нисбатан 2—2,5 баравар кўп маҳсулот топширилди.

...Биз совхозга борган пайтимизда хўжалик активлари билан бўлаётган йиғилиш устидан чиқдик. Бу вақтда совхоз партия ташкилотининг секретари Равшан Тўланов район партия комитети бюросида кўрилган масалаларнинг ўз хўжаликларига алоқадор жиҳатларини бригада бошлиқлари, ферма мудирлари ва бошқа ходимларга тушунтираётган экан. Эришилган ва эришилаётган муваффақиятлар ҳақида кам гапирди, айрим камчиликлар ва бундан буён бажариладиган ишларга кўпроқ урғу бериб сўзлади. Менимча, партком секретари атайин шундай қилди. Чунки ютуқлар ҳақида сўзлайвериш кўпинча мағрурланишга, хотиржамликка олиб келади.

Партком секретаридан кейин совхоз директори Аҳмаджон Валиев, бош агроном Қодир Комилжонов, бош инженер Михаил Белецкий ҳам худди ана шу руҳда сўзладилар ва ҳар бир бригада, ферма, участка аъзолари олдига янги вазифалар қўйдилар. Сигир соғарлардан Муқаддас Тўланова, Насиба Қосимбоева, Ойдин Турсунбоеваларнинг ҳар қайсиси ўзига биркитилган 12—16 бош сигирнинг ҳар биридан салкам 4000 литрга етказиб сут соғиб олдилар. Молбоқарлардан Мирзааҳмад Нурматов, Қувват Сарибоевлар эса, соғин сигирларни ва бўрдоқига боқиладиган молларни емиш билан таъминлашда жонбозлик кўрсатиб ишлаётирлар.

Халқимизда: «Озиқли от ҳоримас», деган ҳикматли сўз бор. Буни яхши тушунган совхоз чорвадорлари ёз давомида молларнинг яхши қишлови учун ем-хашак тайёрлашни уюшқоқлик билан олиб бордилар. Бу ерда дағал хашак тайёрлаш плани 265 процент қилиб бажарилди. Хўжалик чорвадорлари, 1500 тонна силос тайёрлаш планини ҳам икки баравар қилиб ado этдилар.

— Партия ва ҳукуматимизнинг меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ҳақидаги қарорлари бизнинг ишларимизга ҳам ривож — равнақ бағишлаётир, — дейди совхоз директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Аҳмаджон Валиев. — Чунки меҳнат интизоми яхши бўлган жойда ишнинг унуми ҳам, ишчиларнинг қўними ҳам кўнгилдагидек бўлади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг шу йил июль ойида бўлиб ўтган пленумида таъкидланганидек, шаҳар билан қишлоқ ўртасида социал тафовутларни тугатиш — зўр сиёсий аҳамиятга молик ишдир. Республика аҳолисининг турмуш маданиятини ошириш орқали хўжалик ҳаётининг энг зарур масалалари ҳам ҳал этиляпти. Халқ хўжалиги барча планларининг муваффақияти меҳнатчиларнинг турмуш шароитларига, уларнинг қандай ишлаб, қандай дам олаётганликларига боғлиқ бўлади.

«Москва» совхозининг марказий посёлкасида бўлган, бу ерда қурилаётган гўзал биноларни томоша қилган, кечқурунлари посёлка кўчаларида сайр этиб юрган меҳнат аҳлини кўрган киши юқоридаги сўзларнинг нақадар ҳақиқат эканлигига яна бир карра ишонч ҳосил қилади.

«Москва» совхозида меҳнат сурури давом этмоқда. Халқ фаровонлигини оширишга муносиб ҳисса қўшаётган меҳнатчилар ўзлари эришаётган ютуқлардан, ўзларининг олижаноб ишларидан мамнундирлар.

Оқилжон ҲУСАНОВ.

СЎЗ — ЭЛЛИКЦЕНТНЕРЧИЛАРГА

ИНТИЛИШ

КОЛЛЕКТИВИМИЗ йил бошиданоқ 50 центнерчилар ҳаракатига қўшилган. Демак, зиммамизга юксак мажбурият олганмиз. Йил бўйи ана шу мажбуриятга яраша астойдил меҳнат қилдик. Ҳаракатларимиз зое кетмади. Ҳозиргача мавжуд 75 гектар ердан 50 центнердан пахта йиғиштириб олдик.

Ғўза парваришида тинимсим меҳнат қилган механик-ҳайдовчиларимиздан Абдулла Эргашев, Ҳалим Ўктамовлар, шунингдек, Қандолат Мамажонова, Мукаррам Деҳқонова сингари аъзоларимиз йиғим-теримда ҳам жонбозлик кўрсатишяпти. Механик-ҳайдовчиларнинг ҳар бири 100—120 тоннадан пахта териб берган бўлса, пешқадам чеварларимиз 8—10 тонналик хирмон уйишди.

Бригадамизда шу кунларда келгуси йил ҳосили учун кузги-қишки ишлар тараддуди бошлаб юборилди.

Х. ТЎРАХЎЖАЕВ,
Оққўрғон районидаги «Коммунизм» колхози бригада бошлиғи.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«ЮТУҚЛАР-КУ ЎЗИМИЗНИКИ...»

ТОШКЕНТ шаҳар марказлашган юк ташиш автомобиль трестига қарашли № 2512 автоколонна илғор корхоналардан бири ҳисобланади. Бу коллективда ютуқлар билан бир қаторда камчилик ва муаммолар ҳам бор эканлиги автоколонна коммунистларининг ҳисобот сайлов йиғилишидан ёзилган юқоридаги сарлавҳали мақолада («Тошкент ҳақиқати», 4 ноябрь, 1983) қайд қилинган эди.

Трест бошқарувчиси М. Алневнинг редакцияга ёзган жавоб хатида ана шу камчиликларни тугатиш юзасидан қатор тадбирлар ишлаб чиқилганлиги таъкидланади. Хусусан, автомобилларнинг ремонтда туриш муддатини қисқартириш бўйича омборларни қўшимча агрегат ва узеллар билан комплектлаш, бригада пудрати усулида ишлаётган коллективлар барча аъзоларининг ўзига биркитилган объектда ишлашини таъминлаш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини янада мустаҳкамлаш йўлга қўйиляпти.

Шунингдек, ҳаракат хавфсизлиги бўйича ишни яхшилашга қаратилган қўшимча тадбирлар ишлаб чиқилди. МАЗ-5549 машиналарини ремонт қиладиган участкани ташкил этиш ишлари ниҳоясига етказиляпти ва 1984 йилда бу машиналар учун эҳтиёт қисмлар ажратила бошлайди.

Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлигига автоколонна филиали қурилишини 1984 йил қурилиш планига киритиш тўғрисида хат ёзилди. Ҳозир лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланяпти.

В. ЯРУЗЕЛЬСКИЙНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ПОЛЬША ССР ҲУКУМАТИНИНГ ҚАРОРЛАРИ ВА ТАДБИРЛАРИНИ ТЎЛА-ТЎКИС МАЪҚУЛЛАЙДИ

ПРАГА, 30 ноябрь. (ТАСС). Польша Халқ Республикаси Совет ҳукуматининг яқинда Ю. В. Андроповнинг Баёнотида эълон қилинган ҳамда СССР ва барча социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг хавфсизлигини таъминлашга қаратилган қарорлари ва тадбирларини тўла-тўкис маъқуллайди, деди ПБИП Марказий Комитетининг биринчи секретари, ПХР Министрлар Советининг раиси В. Ярузельский «Руде право» газетасининг мухбири билан суҳбатда. Америка империализми ҳозирги пайтда муҳолифлик сиёсатини кучайтира бориб, ўзининг авантюрачилик ниятларини амалга оширишга киришди. Бу билан АҚШ Совет Иттифоқи ва Варшава шартномасида қатнашувчи давлатларнинг конструктив таклифларини рад этди. Мана шу телбаларча қарор оқибатлари учун бутун масъулият АҚШ ҳамда НАТОга аъзо бўлган ва ўз территориясида Американинг янги ракеталарини жойлаштиришга розилик берган давлатлар зиммасига тушади.

ПХР мана шу хатарли вазиятда Варшава шартномасида қатнашувчи давлатларнинг куч-қудрати ва жипслигини мустаҳкамлашни ўз ташқи сиёсатининг асосий вазифаси деб ҳисоблайди. Варшава шартномаси давлатлар адолатли чегараларининг, халқларимиз тинчлиги ва хавфсизлигининг ишончли гаровидир.

Халқаро сиёсатда кескинликни юмшатиш иқлимига ҳали яна қайтиш мумкин, деди В. Ярузельский. Биз Совет Иттифоқининг Европа қитъасида Американинг ўрта-ча олисликка учириладиган ракеталари жойлаштирила бошлангунга қадар мавжуд аҳвол қайта тикланадиган бўлса, Европада қурол-яроғларни чеклаш ва қисқартириш масалалари юзасидан ўз таклифларига қайтишга шай эканлигини табриклаймиз.

ХАЛҚАРО АҲВОЛ

Ю К С А К Б А Ҳ О

ЛХДР ҲУКУМАТИНИНГ БАЁНОТИ

ВЬЕНТЬЯН. (ТАСС). ЛХДР ҳукумати ва халқи КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Ю. В. Андроповнинг баёнотини ҳамда Америка маъмурияти ва халқаро империализм кучларининг хатарли режаларига қаршилик кўрсатиш учун Совет Иттифоқи кўраётган жавоб чораларини батамом қўллаб-қувватлайди, дейилади ЛХДР ҳукуматининг бу ерда эълон қилинган баёнотида.

Американинг ўртача олисликка учириладиган ядровий ракеталари Ғарбий Европадаги бир қанча давлатларнинг территорияларида жойлаштирилиши Европадаги мавжуд ҳарбий мувозанатни бузади, деб уқтирилади баёнотда. Натижада ядро ҳалокати хавфи кучаяди, бундай ҳалокатнинг оқибатлари қандай бўлишини олдиндан айтиш қийин. АҚШ Женевадаги музокараларда силжиш бўлишига муттасил ҳалақит бериб келди, қуролланиш пойгасини авж олдиришни давом эттириб, СССР ва социалистик ҳамдўстлик мамлакатларига туҳмат-бўҳтонлар ёғдирди. Гренададаги хиёнаткорона агрессия, Ливан ва Никарагуанинг ички ишларига қўпол аралашув Вашингтон ўтказаётган милитаристик сиёсатнинг яққол ифодасидир. ЛХДР ҳукумати АҚШнинг урушқоқлик ҳаракатларини қаҳр-ғазаб билан қоралайди ва бундай ҳаттиҳаракатлар дарҳол тўхтатилишини талаб қилади.

Э. ХОНЕККЕР ФИКРИ

БЕРЛИН, 30 ноябрь. (ТАСС). Германия Демократик Республикаси КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Ю. В. Андроповнинг Баёнотини тўла маъқуллайди, деди ГБСП Марказий Комитетининг Бош секретари, ГДР Давлат кенгашининг раиси Э. Хонеккер. У ГДР миллий фронтига кирувчи партияларнинг раҳбарлари билан учрашувда нутқ сўзлади.

ГФР бундестагининг Ғарбий Германия территориясида Американинг биринчи бўлиб зарба беришга мўлжалланган ядровий қуролини жойлаштириш тўғрисидаги қароридан кейин вужудга келган вазиятда, деди ГДР раҳбари, тинчлик манфаатлари йўлида НАТО билан Варшава шартномаси ўртасидаги мавжуд таҳминий ҳарбий-стратегик кучлар мувозанати бузилмаслигига эришиш зарур.

Э. Хонеккер Бундестагнинг бу қарори Европадаги шартномалар системасига, жумладан ГДР билан ГФР ўртасидаги муносабатларнинг асослари тўғрисидаги шартномага путур етказади, деди. Бизлар ГДРнинг суверенитетига қилинадиган ҳар қандай ҳужумларга бундан буён ҳам изчил зарба берамиз, республикамизни ҳар томонлама мустаҳкамлаймиз, тинчликни сақлаб қолиш учун ҳамма ишни қиламиз.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● ЛОНДОН

Англия пойтахтида қурол ўқталиб катта талончилик қилинди. Англия жиноий полицияси — Скотланд-ярд вакилининг хабар қилишича, бир гуруҳ қароқчилар Американинг қимматбаҳо нарсаларни сақлайдиган «Бринкс мэт» фирмаси омборидан уч тонна соф олтинни ўғирлаб кетган. Унинг нархи 30 миллион фунт стерлингдан ошади. Бу ерда шу талончиликка дунёда энг катта олтин ўғирлашдан бири деб баҳо берилмоқда.

● ИСЛОМОБОД

Аҳоли ўсишининг ҳозирги суръати (йилига 3 процентга яқин) сақланиб қоладиган бўлса 17 йилдан сўнг Покистон аҳолиси икки баравар кўпайиб тахминан 170 миллион кишига етиши мумкин. «Нэшнл пресс траст» газета бирлашмаси директорлари кенгашининг раиси Рафиқ Иноят Мирза журналистлар учун ўтказилган семинарда гапириб шу рақамларни айтди.

● МАНИЛА

21 ноябрь куни Филиппин Минданао оролининг соҳиллари яқинида рўй берган фожианинг янги тафсилотлари маълум бўлди. Уша куни кучли бўронга дуч келган пассажир пароми «Дона касандра» ғарқ бўлган. Паром экипажи қутқарувчи солларни сувга туширишга улгурган бўлсада, аммо жафо чекканлардан бирининг сўзларига кўра сувдаги одамларга акулалар ҳужум қилган. Паромда бўлган 400 пассажирдан атиги 219 киши қутқариб қолинган. Фалокат юз берган жойга келган қутқарувчилар нобуд бўлган яна 19 кишини кўрганлар. Қолган кишиларни денгиз йиртқичлари йўқ қилган бўлса керак, деб фараз қилишмоқда.

● КАНБЕРРА

Сиднейдаги учта театр труппаси Чарлз Диккенснинг «Николас Никльби» романига мувофиқ қўйган шу номдаги спектакль саккиз ярим соат давом қилади. Спектакль кундузи соат 1 да бошланиб, кечқурун соат тўққиз яримда тугайди. Томошабинлар ва артистлар чарчаб қолишмаслиги учун спектаклнинг биринчи беш соатлик қисмидан сўнг икки соат танаффус қилиш кўзда тутилган. 1,5 миллион доллар сарфланган шу улкан постановкада банд бўлган 39 актёр 151 ролни ижро этади.

(ТАСС, 29 ноябрь).

ХРОНИКА, ХАБАРЛАР, ФАКТЛАР

ВАРШАВА

Бу ерда журналистларнинг халқлар ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштиришда оммавий ахборот воситаларининг роли ва вазифаларига бағишланган халқаро семинари ўтмоқда. ПХР журналистлар союзи билан ЮНЕСКО ишлари Польша комитети уюштирган бу семинар ишида Европадаги 15 мамлакатдан, шу жумладан Совет Иттифоқидан келган журналистлар иштирок этмоқдалар.

ГААГА

Р. Любберс кабинетининг халққа зид сиёсатига қарши катта норозилик намойиши Амстердамда бўлиб ўтди. Бу намойиш келгуси йилнинг 1 январидан бошлаб давлат сектори ишчилари ва хизматчиларининг иш ҳақини ва социал таъминот бўйича олинадиган нафақаларининг миқдорини қисқартириш ҳақидаги ҳукумат қарори сабабли ўтказилди. Намойишда салкам 10 минг киши, шу жумладан пойтахт транспортчилари иштирок этдилар. Транспортчилар ҳукумат қарорига 24 соатлик забастовка ўтказиш билан жавоб қайтардилар. Транспортчилар касаба союзининг вакили А. Регейр митингда нутқ сўзлаб, стачка ҳаракатларини ва бошқа норозилик тадбирларини давом эттиришга чақирди.

Голландиянинг бошқа шаҳарларида ҳам меҳнаткашларнинг катта-катта намойишлари бўлиб ўтди.

АММОН

Исроиллик экстремистлар Иордан дарёсининг ғарбий соҳилида оккупация қилган Наблус шаҳрининг марказий районларини босиб олиб, араб маҳаллалари ўрнида ўзларининг «команда пункти»ни ташкил этажакларини эълон қилдилар. Бу ерда олинаётган хабарларга кўра, сионист газандалар шаҳарда босиб олинган территорияларда араб аҳолисига қарши амалга ошириладиган жазо чораларини мувофиқлаштириб турадиган марказ ташкил қилиш ниятидадир.

ВАШИНГТОН

Америкалик босқинчилар Гренадада узоқ вақт туриб қолиш ниятида. Пентагоннинг юқори мартабали вакили Майкл Бэрч бўлиб ўтган матбуот конференциясида сўзга чиқиб, оролда «хавфсизлик» тикланмагунга қадар АҚШ қўшинлари бу ерда қолишлари лозим, деб таъкидлади.

ТОКИО

Япония Жал авиакомпанияси учувчилари ва бортпроводниклари касаба союзлари 24 соатлик забастовка ўтказдилар. Улар компания маъмуриятини музокаралар олиб боришга мажбур этдилар. Япония меҳнаткашлари анъанавий кузги намойишлари доирасида учувчилар, бортинженерлар, стюардессалар нарх-наво ва солиқ ошиб бораётган бир пайтда меҳнат шароитлари яхшиланишини ва иш ҳақи оширилишини талаб қилмоқдалар.

(ТАСС, 30 ноябрь).

КАТТА ТАЯНЧ

СОВЕТ ҚУРИЛИШИ

Оққўрғон район маҳаллий Советларида ҳозирги кунда 84 та доимий комиссия ишлаб турибди. Уларга 531 нафар депутат ва 2243 нафар жамоатчи актив жалб этилган. Улар сессия ва кенгашларда кўриб чиқилаётган кўпгина масалаларни ўрганиш ва тайёрлашда фаол иштирок этмоқдалар. Фақатгина 1983 йилнинг биринчи ярим йиллигида район ижроия комитетининг кенгашида доимий комиссия тайёрлаган 187 та масала муҳокама этилди.

Қишлоқ хўжалиги бўйича доимий комиссиянинг хўжаликлар экономикасини юксалтириш, фан-техника ютуқларини қишлоқ хўжалигига тобора кенгроқ жорий этиш борасидаги ишлари ҳам эътиборга сазовордир. Бу комиссия аъзолари жойларда рейдлар ўтказмоқдалар, текшириш натижаларини муҳокама этиб, аниқ тавсиялар қабул қилмоқдалар. Уларнинг ижроси назорат остига олинган.

Район саноат корхоналари, транспорт ва алоқа ташкилотлари ўз муваффақиятларини борган сари мустаҳкамлаб бормоқдалар. Алоқа хизмати кўрсатиш анча яхшиланди. Бунда А. Шодиев раҳбарлик қилаётган саноат, транспорт ва алоқа бўйича доимий комиссиянинг ҳам ҳиссаси бор. Комиссия аъзолари йил бошидан буён план топшириқларининг бажарилишини таҳлил қилиб бормоқдалар.

Тўқимачилик-галантерея фабрикаси фаолияти текширилганида комиссия аъзолари иккиламчи ресурслардан халқ истеъмоли учун янги номдаги товарлар ишлаб чиқариш мумкинлигига коллектив эътиборини қаратишди. Ҳозирги кунда фабриканинг 6 та цехи ана шундай маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Сўнгги икки йил давомида кенг халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 543 минг сўмликка кўпайди.

Тармоқ доимий комиссиялари сайловчилар наказаларини кўнгилдагидек ado этишда ҳам катта ташкилотчилик кўрсатмоқдалар. Халқ маорифи ва маданий-оқартув бўйича доимий комиссия аъзолари капитал қурилиш бўйича доимий комиссия аъзолари билан ҳамкорликда мактаб ва мактабгача тарбия муассасалари қурилишининг бориши ва белгиланган муддатларга амал қилинишини пухта ўргандилар. Натижада 20-МПМК, 3-ПМК ишчи-хизматчиларининг айби билан «Оққўрғон» совхозидаги ва Оққўрғон шаҳридаги мактаблар, «Ленинобод», Куйбишев ва «Коммунизм» колхозларидаги болалар боғчалари қурилишлари график асосида бормаётганлиги аниқланди. Юқоридаги қурилиш ташкилотларининг раҳбарлари Б. Матанов ва Э. Исроилов ўртоқлар билан жиддий суҳбатдан сўнг қурилишда суръат ўсди, сифат яхшиланди.


Ташаббускор ва ташкилотчи доимий комиссиялар аъзоларининг тажрибасини кенг ёйиш тобора яхши йўлга қўйиляпти. Улардан бири Т. Маматов раис бўлган савдо ва умумий овқатланиш бўйича тузилган комиссиядир. Унинг аъзолари 8 та кенгаш ўтказиб, аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилашга бағишланган 12 та масалани муҳокама қилдилар. Район Советининг сессиясида икки марта қўшимча доклад қилиниб, ҳисобот берилди. Шаҳар ижроия комитетининг кенгашига эса 3 та масала тайёрланди. Комиссиянинг текшириш ва тавсиялари асосида аҳолини сабзавот, мева ва полиз маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш йўлга қўйилди. Оққўрғон райони марказида тирик балиқ, салқин ичимликлар билан савдо қилувчи дўконлар очилди.

Район ижроия комитети катта таянч — доимий комиссиялар фаолиятини янада активлаштириш, уларни турли соҳадаги масалаларни ҳал этишга кенгроқ жалб қилишга алоҳида эътибор бераяпти. Доимий комиссиялар фаолиятини янада яхшилашни таъминлайдиган масалалар муҳокама қилиниб, уларга амалий ёрдам бериляпти.

Район ва шаҳар ижроия комитетлари доимий комиссиялар ишини планлаштириш, кенгашларга тайёргарлик кўриш ва ўтказишга ҳам доимо кўмак бериб келмоқда. Комиссия аъзолари учун семинарлар ташкил этилган.

М. ПАК,
область ижроия комитетининг инструктори.

А. БОБОБЕКОВ.



● БОНН. Кўп сонли полициячилар Ғарбий Германия пойтахтида урушга қарши ўтказилган намойиш қатнашчиларини кучли босим билан сув отадиган қурилмалардан фойдаланиб қувғин қилдилар. Бу намойиш «Европада ҳеч қандай «першинг»лар ва қанотли ракеталарга йўл йўқ!» шиори остида ўтди. Унинг қатнашчилари қуролланиш пойгасига чек қўйилишини талаб этдилар. Суратда: намойишчиларни қувғин қилиш пайти.

АП—ТАСС телефотоси.

БИЗНИНГ АХБОРОТ

«БАЛКАНКАР» МАҲСУЛОТЛАРИ

Ўзбекистон халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида Болгариянинг «Балканкар» автокаралар ишлаб чиқарувчи фирмасининг маҳсулот кўргазмаси ташкил қилинди. Кўргазма очилиши муносабати билан ташкил этилган симпозиумда Ўзбекистон савдо палатаси ходимлари ва болгариялик мутахассислар иштирок этдилар.

Қардош мамлакатнинг йирик корхоналаридан бири бўлган бу муассаса 1957 йилдан буён Ўзбекистонга ўз маҳсулотларини экспорт қилади. Навбатдаги кўргазмага «Рекорд-1», «Рекорд-2», «Рекорд-3» автокаралари тавсия этилди. Улар ёқилғини кам сарфлаши, ишлаб чиқариш унумдорлиги билан симпозиум қатнашчилари ва томошабинлар эътиборини ўзига тортмоқда.

Қ. ЭРДОНОВ.

«ПАРКЕНТ ТОРТИ»

Паркентликлар яқинда ишга туширилган район кондитер цехи маҳсулотларидан баҳраманд бўлмоқдалар.

Яқин-яқинларгача район аҳолисининг эҳтиёжи учун бу маҳсулотлар Тошкентдан келтирилар эди. Янги цехда ҳар сменада ўн икки кишидан иборат бригада меҳнат қилиб, ўн хилдан ортиқ турли печенье, торт, зефир ва бошқа ширинликлар тайёрланмоқда.

ЯНГИ МАВСУМДА ЯНГИ ПРОГРАММА

Тўхтасин Жалилов номли Ўзбекистон халқ чолғу асбоблари оркестри ўзининг янги мавсумини бошлади. Бадиий коллектив музика ихлосмандларига ўзбекча, русча ва чет эл авторларининг классик асарларидан иборат раиг-баранг концерт программаларини тайёрлаган.

Янги мавсумга ҳозирлик жараёнида оркестр солистларининг бадиий маҳорати ва ижрочилик санъати янада ўсди. Томошабинлар буни Ленин комсомоли мукофотининг лауреати С. Йўлдошев, халқ чолғу асбоблари ижрочилари республика конкурсининг лауреатлари Ш. Аҳмаджонов, К. Назировлар билан бўладиган учрашувларда яна бир бор ҳис этадилар.

ЎЗБЕК ШОИРЛАРИНИНГ ЯНГИ АСАРЛАРИ

Тўра СУЛАЙМОН

«ГУЛЖАҲОН»

(Достондан парча)

Кўп эшитдим, кўп кўрдим
Ажаб ҳангомаларни.
Афсонадан эп кўрдим
Бўлган гап, номаларни.

БОШЛАМА

Сўзламасман бу оқшом
Маҳобатдан ё лофдан.
Боғи Эрам ёхуд Шом
Ё тоғи Кўҳиқофдан.

Гап очмасман бу кеча
Гул турганда алафдан.
Ким ҳам сўйлар
тонггача
Дур турганда садафдан.

Ғанимат достон айтиб,
Достон эшитмоқлик ҳам.
Узоқ мозийга қайтиб
Андак сайр этмоқлик ҳам.

Лек бўлмаса маъноси
Кимга даркор достон ҳам.
Бу Қирқ қиз ҳангомаси
Бўлиб ўтган ростдан ҳам.

Сўзлай бу кун қирқ
қизнинг
Қисматидан, ишидан.
Ҳар қайси бир юлдузнинг
Бахтидан, бахт қушидан.

Ҳар бирига қасида
Бахш этсанг камлик
қилур.
Интиқом борасида
Шоҳдан ўктамлик қилур.

Канизак қиз — Гулжаҳон
Ойдан кўркамлик қилур.
Қад-қоматин қилмай ҳам
Элга қарамлик қилур.

Алҳол, Қирқ қиз қиссасин
Бошламоққа гал келди.
Соз чертмоққа чоғлансин
Гулоб келди, бол келди.

РАВЗА

Эльназар шоҳ тахтини
Сақлаб келган туғбеги.
Ота юртни тузини
Оқлаб келган туғбеги.

Қоратошга келган не
Балоларни даф этган.
Бостириб кирган ёвни
Кириб, бартараф этган.

Қорли қора кунларда
Йўлидан адашмаган.
Қўли баланд чоғларда
Ҳовлиқмаган, шошмаган.

Атворн ажаб йигит —
Уйланишга шошмаган.
Не бир қизлар кўксига
Сийнаси туташмаган.

Ногоҳ йигитнинг ишқи
Гулжаҳон қизга тушмиш,
Оппоқ тонг даракчиси,
Ёруғ юлдузга тушмиш.

Юзи ёришмас қизни
Кўрмаса кунда бир бор.
Бу қора қош олдида
Пари ҳам беэътибор.

Қиз эса оҳу мисол,
Тўпидан айрилмайди.
Сир бой бермаслик учун
Энтикиб қайрилмайди.

Ошиқ таъқиби эса
Кун сайин ошиб борар.
Бири ой, бири офтоб —
Йўли тутошиб борар.

Қиз бир кўриниш бериб,
Кўриниш бермас бирда.
Бирда ўйлар:
—Ойнусэа.

Билиб қолган тақдирда:
Бу кунлар ҳам кўп бўлиб
Келар қатор кўргулик.
Сўнг бу қонли қалъада
Сира қолмас юргулик.

Канизакка кўз ола
Қилган эр омон қолмас.
Бадкор шоҳ топтамаган
Бирон-бир чаман қолмас.

Лек йигитга билдирмас
Қиз ўртаниб-ёнсада.
Тунлари туғбегининг
Ишқида ўртансада.

Шу йўсин бир-бирига
Шайдо бўлиб борадир.
Сирлаша олмай сира
Ойларни ўткарадир.

Туғбеги борлиқ гапин
Ахири хатга битиб,
Йўли тўсиқ ёвуз шоҳ
Борлигини унутиб.

Сарой маҳрамларидан
Қўлга олиб бирини,
Хатни киритар қизга
Айтиб борлиқ сирини:

—Сенсиз менга бу жаҳон
Нечундир тор кўринур.
Тоғлардаги унган лола
Ўрнида қор кўринур.

Бир оғиз сўзингга жон
Ташнан зор кўринур.
Сенингсиз бу қалъа, бу
Сарой мурдор кўринур...

Гулжаҳон хатни ўқиб
Суртади кўзларига.
Поёндоз этиб жонин
Туғбеги изларига.

Шу-шу икки ўртада,
Уланар дил риштаси.
Эльназар—қўрғон фахри,
Гулжаҳон — фариштаси.







● ТОШКЕНТ Давлат циркида «Цирк юлдузлари» «Сув жозибаси» янги программа аттракциони муваффақият билан ўтмоқда. «Сув жозибаси» аттракцион программасини РСФСР халқ артисти, халқаро ва Бутуниттифоқ конкурслари лауреати, Европа ва халқаро «иллюзиончилар лигаси»нинг юксак мукофоти «Сеҳрли тилла таёқча» совриндори Илья Символоков бошқармоқда.

Суратда: И. Символоков раҳбарлигидаги «Сув жозибаси» программасидан фотолавҳалар.

М. Нуриддинов фотолари.

ХАРИДОР БИЛАН УЧРАШУВ

Пойтахтдаги Марказий универсал магазини одамлар билан гавжум. Эркаклар костюми бўлимида харидорни ҳам, сотувчини ҳам, тикувчи ва маҳсулот сифати бўйича инженерни ҳам учратиш мумкин. Бир неча кундирки, бу ерда «Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги» тикув-чилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг савдо ярмаркаси давом этмоқда.

Кенг ассортиментдаги эркаклар костюмлари, куртка, ўсмирлар тайёр кийимлари кўпчилик харидорларга манзур бўлмоқда.

— Ҳар йили икки марта — қишки ва баҳорги мавсумлар олдидан бўладиган харидорлар билан бундай учрашувлар ишимизда ижобий самаралар бермоқда, — дейди бирлашма аҳоли талаб ва эҳтиёжларини ўрганиш бўлими бошлиғи Нелла Симинова, — шу йилнинг ўзида Бош универсал магазини, «Богатир», «Тоҳир ва Зуҳра» ва республикамизнинг турли областларидаги йирик савдо тармоқларида, бирлашмамиз фирма магазинларида шундай савдо ярмаркалари бўлиб ўтди. Уларнинг натижаларига кўра корхонамиз модельерлари ва инженер мутахассисларининг кенгайтирилган йиғилишларини ўтказдик.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларимизнинг сифати, тикилиши, замонавийлиги, газламанинг рангига кескин ўзгаришлар киритдик.

Эндигина янги костюм харид қилган Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси слесари Владислав Каробкин ва Бекобод районидаги «Авангард» совхози трактурчиси Сирожиддин Маматқуловлар билан суҳбатлашамиз:

— Тикувчиларимизнинг маҳорати ошиб боряпти, — дейди В. Каробкин. — Энди магазинма-магазин юриб, чет эл костюми қидиришга ҳожат қолмади. Ўзим танлаган костюмнинг тикилиши, чокларининг орасталиги, бари менга маъқул бўлди.

Бирлашма модельерлари Москва, Ленинград ва Иттифоқимизнинг бошқа шаҳарларидаги ҳамкасблари билан ҳамкорликда янги моделлар тайёрлаб ишлаб чиқаришга жорий қилмоқдалар. Пойтахт магазинларининг пештахталарида баҳорги оқ рангли аёллар костюми, ўсмирлар учун жунли матодан тикилган куртка, сунъий чармли эркаклар костюмлари барчага маъқул бўлди. Ярмарка давомида Фахрий беш қиррали шундай кийимлардан кунига 10—12 минг сўмлик сотилаётгани ва бу ердан харидорларнинг мамнун қайтаётганликлари ҳам фикримизнинг далилидир.

А. НОСИРОВА.

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг

В. П. ЧКАЛОВ НОМЛИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ БАЗАСИДАГИ С. И. КАДИШЕВ НОМЛИ 166-АВИАЦИЯ ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1983—84 ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Учиш аппаратларини йиғувчи-слесарь, механика-йиғув ишлари бўйича слесарь, слесарь-электромонтажчи, токарь-револьверчи, фрезерчи, программа билан бошқариладиган станокларнинг оператори ва слесарь-сантехник, газ пайвандчи, слесарь-асбобсоз, дурадгор, ОТК контролёри, автослесарь.

БИЛИМ ЮРТИГА ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЯШОВЧИ 8—10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ,

Ўрта маълумотлилар учун ўқиш муддати — 1 йил.

Билим юртини битирганларга ўрганган касби бўйича диплом берилади.

Ўқувчиларга ҳар ойда 65 сўмдан стипендия берилади.

8-синф ҳажмида маълумотлилар учун ўқиш муддати 3 йил.

Билим юртини тугатганларга ўрта маълумот тўғрисида ва эгаллаган касби тўғрисида диплом берилади.

Ўқиш даврида ўқувчилар ҳар куни 3 маҳал иссиқ овқат, кийим-бош ва ишлаб чиқариш практикаси даврида эса ишлаб топган меҳнат ҳақининг бир қисми билан таъминланадилар.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Зарур бўлганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

МАШҒУЛОТЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Билим юртини тугатганлар В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига ишлаш учун юбориладилар.

Билим юртини имтиёзли диплом билан битирганлар олий ва ўрта-махсус ўқув юртларига киришда имтиёзга эга бўладилар.

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқишни давом эттирувчилар учун бирлашма қошида Тошкент Политехника институти кечки бўлими ва авиация техникуми (самолётсозлик факультети) мавжуд.

Билим юртида спорт секциялари ва авиамоделизм, бадиий ўқиш, фото-киностудия тўгараклари ишлайди.

Ўқувчиларнинг дам олиши учун Чимён атрофида спорт-соғломлаштириш лагери бор.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт: билим юрти директори номига ёзилган ариза, маълумоти ва туғилганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар (286-формадаги медицина справкаси), турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 8 дона 3х4 см. 4 дона 4х5 см. ҳажмидаги фотосуратлар, характеристика, таржимаи ҳоли.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Ҳамза райони, Генерал Петров кўчаси, 331-уй. (21, 30, 8, 348, 80, 72-автобусларнинг «Валихонов кўчаси» (3, 23-трамвайларнинг «Лисунов кўчаси» бекатлари). Телефон 96-58-20.

МЕЪМОРЧИЛИГИМИЗ ТАРИХИДАН

АРДОҚ

НЕЧА-неча замонлар ўтмасин бобокалонларимиз яратиб кетган ноёб обидаларнинг ташқи ҳамда ички қиёфасини безаш мақсадида ишлатилган ранг-баранг кошинлар, сопол ғиштчалар ва турли-туман безаклар ҳали-ҳалигача кишиларни лол қолдириб келмоқда. Айниқса, уларнинг ўзига хос қайтарилмас шакли, жозибадор ранги, пишиқлиги кишини ҳайратлантиради.

Республикамиздаги ноёб меъморчилик ёдгорликларини қайта тиклаш борасида оғзингулик ишлар амалга оширилди. Айниқса, қурилиш материалларини батафсил ўрганиш бўйича тадқиқотларга эътибор кучайтирилди. Ўрта аср архитектура ёдгорликларини безаш учун ишлатилган гулдор сополларни тайёрлаш техникаси, безаклар сири, кошинлар, орнаментлар ҳамда бадиий хаттотлик санъати, муқарнас қотишмалари ва уларни ишлаб чиқариш технологияси чуқурроқ ўрганилмоқда.

Ўзбекистоннинг бир қатор шаҳарларида ташкил этилган устахоналарда меъморчилик соҳаси учун зарур маҳсулотларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Уларни тайёрлашда Ўзбекистон маданият ёдгорликларини таъмирлаш илмий тадқиқот ва лойиҳалаш институтининг хизмати катта. Бу ишда институт бўлим бошлиғи, техника фанлари кандидати Зийнат Нуриллаев раҳбарлигидаги олимлар фаоллик кўрсатишмоқда. Тадқиқотлардан шу нарса маълум бўлдики, ўтмиш обидаларининг безаклари, кошинларни тайёрлашда таркибида турли минерал моддалари бўлган бирикма маҳсулотлардан меъморлар усталик билан фойдаланишган. Керамика маҳсулотлари тайёрлашда ранги тиниқ ва таркибида мўртликка хос хусусиятли моддалардан иборат хом ашё ишлатилган.

Эндиликда бундан бир неча асрлар аввал яратилган сопол маҳсулотларга ўхшаш пишиқ ва чиройли кошинлар, ғиштчалар тайёрлашда институт ходимларидан кўплари муваффақиятга эришишди. Айниқса, техника фанлари кандидатлари — лаборатория мудири М. Маҳсудова, сектор раҳбари М. Кўчқорова, группа раҳбарлари Ф. Бурнашева, К. Саидаҳмедова, катта инженер Г. Валиевалар нинг бу ишда ҳиссаси катта бўлмоқда. Лаборатория шароитида яратилган янги кошинлардан Чилонзор райони территориясида жойлашган Ҳайробод ансамблини таъмирлашда фойдаланилди. Бу ердаги мақбара гумбазлари шу лабораторня ходимлари томонидан яратилган ва сиртига феруза ранг берилган янги металл маҳсулотлари билан жиҳозланди. Шаҳримиздаги Шайх хованди Тохур, Юнусхон мақбараларини ҳам ранги айнимайдиган, пишиқ, нафис кошинлар билан безатиш ишлари олиб борилмоқда.

Таъмиршунослик институтининг олимлари Юнусобод яқинида сақланиб қолган Оқтепа қалъасининг деворларини емирилишдан сақлаш бўйича ҳам турли тадқиқотлар олиб бораётирлар. Шу кунларда қалъа деворлари химиявий моддалар билан ишланмоқда. Уларни қотириш чоралари кўрилаётир. Ўйлаймизки таъмиршунослик институтининг яратган бу янгиликлари амалиётдан яна ҳам мустаҳкамроқ ўрин олади. Олимлар янги-янги кашфиётлар устида тинмай изланаверадилар.

А. ЯХЁЕВ,
Ўзбекистон маданият ёдгорликларини таъмирлаш илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институтининг архитектори.

145 ҲОВЛИ ТЎЙИ

«ЖИЛСТРОЙ» трести коллективи республикамиз пойтахтида катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишларини амалга оширмоқда. Бинокорлар ҳар йили қўплаб турар-жойларни фойдаланишга топширишяпти. Трест коллективи куни-кеча яна меҳнат ғалабасини қўлга киритди. Тошкентнинг турли районларида планировкаси яхшиланган янги сериядаги беш қаватли уйта уйини қўлдан чиқарди.

Янги уйларни қуришда Ўрин Эшезов раҳбарлигидаги комплекс коммунистик меҳнат коллективи жонбозлик кўрсатди. Бригада аъзолари хўжалик ҳисоби асосида ишлаб, янги уй-жойлар корпусларини муддатидан анча илгари барпо этдилар. Бу уйларда истиқомат қилувчиларнинг фаровон турмуш кечиришлари учун қулай шароитлар яратиб берилган. Уйнинг ҳамма хоналари айрим қурилган бўлиб, ошхонаси саҳни ҳам анча кенг. Трест коллективи йил охиригача янги типдаги шундай қулай уйлардан яна кўплаб фойдаланишга топширади.

М. ФЕЛЬДМАН.

КЎЧАТЛАР ТАЙЁР

Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг хўжаликлари Ўзбекистон колхоз ва совхозларига кўчат тарқатишга киришди. Бу ерда тайёрланган пакана олма ва нок кўчатларига талаб айниқса кўп. Бир ярим миллион туп — бултургидан юз минг туп кўп шундай кўчат тайёрланди. Бу кўчатлар интенсив типдаги боғлар барпо этишга кетади. Шу боғларда дарахт парваришининг кўпгина ишларини механизациялаш мумкин бўлади.

Бирлашма шу йил янги боғ ва токзорлар учун жами 45,5 миллион туп мева ва ток кўчати тайёрлади.

(ЎзТАГ мухбири).



ҚАРИЯЛАРГА МУНОСАБАТ

● НЬЮ-ЙОРКлик ёш социолог Пат Вильямс бир ҳафта давомида кампир қиёфасида яшади. У букчайиб, ҳассага таянган ҳолда кўчаларда сайр қилди, транспортда юрди, турли буюмлар харид қилди. У америкаликлар қарияларга қандай муносабатда бўлишларини синаб кўришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди. Бир ҳафта ичида кампир қиёфасидаги социологга икки марта ҳужум қилишди, икки марта унинг сумкасини тортиб олишди, бир марта калтаклашди.

ЛУПАЛИ ТЕЛЕВИЗОР

● ҒАРБИЙ ГЕРМАНИЯдаги «Ловве Опта» фирмаси ўзига хос лупаси бўлган телевизор ишлаб чиқарди. Томошабинлар хоҳлаган пайтларида «зангори экран» марказий қисмидаги тасвирни 30 процентгача йириклаштиришлари мумкин. Бу қурилма жумладан, актёрлар ҳатти-ҳаракатларини ёки футбол ўйинида дарвозага тўп киритилиш пайтини яхшироқ томоша қилиш имконини беради.

ОБИ-ҲАЁТ ИЗЛАБ

● МОНГОЛИЯДАГИ Марказий аймоқнинг Бурэн қишлоғида яшовчи чорвадор Р. Доржпалам сув манбаларини излаб топишда ном чиқарган. 1966 йилдан буён шахсан унинг ўзи қақраб ётган чўл жойларида 10 тадан кўпроқ сув манбаларини топиб, бу ерларда қудуқ қазиди.

Доржпаламнинг оби-ҳаёт манбаларини излаб топишда синалган усуллари бор. Масалан, тунда у ерга сирли идиш ёки чинни пиёлани кўмиб қўяди. Агар эрталаб улар ичида сув пайдо бўлса, ёки идиш, пиёла чеккалари намланиб қолса, бу ер сатҳига яқин жойда сув борлиги аломатини билдиради. Доржпалам ерга таёқ билан уриш пайтида чиққан овозга, кеч куз пайтида қиров тушган жойлардаги аломатларга, баҳор пайтида чўлнинг майсалар билан қопланишига қараб ҳам бу жойларда сув бор ёки йўқлигини аниқлай олади.

ДАВР ВА МОДА

● КИШИЛАР кўҳна даврлардан бери ўз ташқи қиёфаларига катта аҳамият берганликларини ҳамма ҳам билмаса керак. Бунда эркаклар ҳам аёллардек пардоз қилганлар. Грек тарихчиси Плутархнинг ҳикоя қилишига қараганда, эронликлар йўлбошчиси Суренас сочини чиройли қилиб киртишлаганларидан сўнггина римликларга қарши жангга кирган.

У пайтларда кишининг ташқи кўринишн кўп ҳолларда унинг ижтимоий келиб чиқишидан далолат берарди. Масалан, озод германлар ўша пайтда сочларини ўстириб юрсалар, қуллар сочи аксинча қисқа бўлган. Руҳонийлар эса умуман сочларини олдириб юрганлар.

ИККИ БОШЛИ ИЛОН

● ФЛОРИДА штатидаги (АҚШ) Майами зоопаркида узунлиги бир метрга яқин бўлган сувда яшайдиган икки бошли илон бор. Яқинда у уч ёшга тўлди. Бу ердаги зоопарк илонларнинг кўплиги билан туристларда катта қизиқиш уйғотади. Бу ерда илон заҳарини тўплаш билан ҳам шуғулланишади.

Зоопарк ходимлари икки бошли бу илонни бир мактаб ўқувчисидан 50 долларга сотиб олган эдилар. Ўша пайтда унинг узунлиги бор-йўғи 15 сантиметрга тенг бўлган. Илон бир галда олтита балиқни ейди. Шуниси қизиқарлики, у балиқларни иккала боши билан ейди. Мутахассислар илоннинг чап боши унинг организмида асосий ролни ўташини аниқладилар. (АПН).

Редактор ўринбосари
Р. УМАРОВ.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ АБОНЕНТЛАРИ, ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ МУАССАСАЛАР ВА КОРХОНАЛАР

ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН СТАНЦИЯСИ СТАНЦИЯНИНГ БОШ БОШҚАРМАСИ

Т. ШЕВЧЕНКО КЎЧАСИДАГИ 17-УЙДА ЖОЙЛАШГАНЛИГИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

ПОЧТА ИНДЕКСИ 700015.

Телефондан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб масалалари бўйича абонентлар қуйидаги адресда қабул қилинади: Т. Шевченко кўчаси, 17-уй, 1-қават. Иш кунлари — ҳафтанинг 1, 2, 4, 5 ва 6-кунлари (тушлик учун танаффуссиз);

ҲИСОБ-КИТОБ ГРУППАСИНИНГ ИШИ СОАТ 8.00 ДА БОШЛАНАДИ;

иш вақти соат 19.00 да тугайди;
шанба куни соат 9.00 дан 16.00 гача ишлайди.
Чоршанба—абонентлар қабул қилинмайдиган кун.

ҲИСОБ-КИТОБ ГРУППАСИНИНГ ТЕЛЕФОН НОМЕРЛАРИ ҚУЙИДАГИ ТАРТИБДА КЕЛТИРИЛАДИ:

АТС номери	оператор телефонининг номери
АТС — 62	39-06-62
— 64	39-06-64
90 ва 66	39-06-90
91 ва 66	39-06-91
96 ва 66	39-06-96
Бригадир —	39-06-66
АТС — 53	39-06-53
— 58	39-06-58
— 74	39-06-74
— 76	39-06-76
— 77	39-06-77
— 78	39-06-78
Бригадир —	39-06-70
АТС — 41 ва 44	39-06-41
— 42	39-06-42
— 46	39-06-46
—48	39-06-48
— 29	39-06-29
Бригадир —	39-06-44
АТС — 24	39-06-24
32 ва 33	39-06-33
— 35	39-06-35
56 ва 39	39-06-56
— 55	39-06-55
Бригадир —	39-06-39

Шаҳар телефон тармоғи хизматидан фойдаланаётган абонентларга эслатиб ўтамиз: қарзингизни шу йилнинг охиригача узишни унутманг.

ТЕЛЕФОН УЧУН АБОНЕНТ ҲАҚИ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИГАН КАССА ҲАФТАНИНГ 1, 2, 4 ва 5-КУНЛАРИ СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
Ўзбекистон Коммунистик партияси Тошкент область комитети ва халқ депутатлари Тошкент область Советининг органи

БИЗНИНГ АДРЕС:
700000. Тошкент—П,
ЛЕНИН кўчаси, 41

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, масъул секретарь—334808, 325353, секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 325778, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749, қишлоқ хўжалиги — 325647, пропаганда; совет қурилиши — 325645, фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553, адабиёт ва санъат — 325767, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733, хатлар ва оммавий ишлар; фельетонлар — 334048, 325354. Фотомухбир — 325894.

Р. 06583. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. Б.—1727. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12